ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
O'.K.U.F. F.T.U.U.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

# ISHONCH

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

2006 йил 21 ноябр, сешанба № 185 (2234)

Ушбу сонда:

2 ШАХСИЙ ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИКЛАРГА
имтиёзли кредитлар

2-3 ОХУРДАГИ ОЛТИН
Ҳикоя

Ривоят ва ҳақиқат
4 ҲАКИМ ОТА, ЗАНГИ ОТА ВА АНБАРБИБИ

Тадбир

## ЁШЛИК - ОРЗУЛАР ЧАШМАСИ

***Инсон ҳаётининг энг жўшқин палласи ёшлик. Кўнгилда яратувчанлик ишқи, ҳаётга муҳаббат туйғулари қайнаб-тошади шу паллада. Бу гўзал ва бетакрор фаслни таърифу тавсифлашдан кўра уни бажарилган ишлар билан зийнатлаб, изоҳлаш осонроқдир, эҳтимол.***

Зеро, униб ўсиб келаётган ёшлар муносиб ворис сифатида юрт тараққиёти, унинг юксалиши учун масъулдирлар. Бугун ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрлик замирида ҳам ана шундай эзгулик мужассам. Мустақиллик йилларида Юртбошимиз ташаббуси билан ёшларга таълим бериш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш, комил инсон этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борадаги ишларни аниқ, мақсадли амалга ошириш учун давлат аҳамиятига молик дастурлар, режалар ишлаб чиқилди.

Ўзбек миллий академик драма театрида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ва Тошкент шаҳар кенгаши томонидан талабалар учун уюштирилган байрам тадбирини ана шу эътибор намунаси, десак муболаға бўлмайди. Тадбирда сўз олган таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Носирхон Акбаров иштирокчиларни қизғин табриклади.

- Ёшлар - талабаларга ҳам ҳар жиҳатдан кўмаклашиш, уларни ҳимоялаш тармоқ ходимлари фаолиятининг асоси ҳисобланади, - деди у. - Мамлакатимизда таълимни тубдан ислоҳ этиш вазифалари мазкур тармоқ вакилларининг, хусусан, талаба-ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий кафолатларини таъминлаш масалалари билан уйғун равишда олиб борилмоқда. Бугунги кунда республикамизда тармоқ бўйича олий таълим муассасалари 38 та бўлиб, уларда 150 мингдан ортиқ талабалар таҳсил олмоқда. Тармоқ келишувларига биноан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда талабаларнинг «Ниҳол» театр студиялари фестивали, фольклор жамоаларининг «Хазина», «Энг намунали талабалар турар жойи» кўрик-танловлари, «Ўзбекистон - Ватаним маним» қўшиқ ва рақслар танлови, «Универсиада» спорт мусобақалари каби республика миқёсидаги тадбирлар юқори савияда ўтказилмоқда. Шунингдек, Марказий кенгаш томонидан олий таълим муассасаларининг кам таъминланган, иқтидорли ва жамоатчи талабалар учун устама стипендияси таъсис этилган. 2001-2002 ўқув йилида 40 нафар талаба мазкур стипендия совриндори бўлган эди. 2006-2007 ўқув йилига келиб бу кўрсаткич 80 нафарга етди.

(Давоми 2-бетда)

***Ислом КАРИМОВ:***

***Юртимизда миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, тили, дини, миллатидан қатъи назар, шу заминдаги барча инсонларнинг ўзаро меҳр-оқибатли бўлиб яшаши учун барчамиз ҳисса қўшишимиз керак***

# ТОТУВЛИК — ТОТЛИ НЕЪМАТ

## ёхуд толерантлик толеи

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида бўлиб ўтган давра суҳбати ушбу мавзуга бағишланди. «Ижтимоий Фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази, Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари Миллий Маркази, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «ЮНЕСКО» ишлари бўйича Миллий Комиссия, Ўзбекистон Республикаси ЮНЕСКО МОСТ дастури бўйича миллий мувофиқлаштирувчи қўмита ушбу тадбирнинг ташаббускорларидир.

Толерантликни (tolerantia — сабр-тоқат) бағрикенглик - ўзгаларнинг турмуш тарзи, хулқ-атвори, одатлари, ҳиссиётлари, фикр-мулоҳазалари, ғоялари ва эътиқодларига нисбатан тоқатли бўлиш) ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун ЮНЕСКО 1995 йил 16 ноябрда «Бағрикенглик тамойиллари декларацияси»ни қабул қилган. БМТ Бош Ассамблеясининг қарори бўйича 1997 йил 16 ноябрдан бошлаб бутун дунёда Халқаро бағрикенглик куни қайд этилади. Ўзбекистонда ҳам ушбу кунни нишонлаш яхши анъанага айланган.

Бағрикенглик тушунчаси кўп асрлар давомида шаклланди ва ушбу жараён ҳар бир давлатнинг тарихи, анъаналари ҳисобга олинган ҳолда ҳанузгача давом этмоқда. Миллатлараро, динлараро, маданиятлараро ва тилларо толерантлик ўзбек халқи учун тарихий хос бўлган хусусиятлардир. Мамлакат Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида ўзбекларда бошқа миллат вакилларига нисбатан хайрихоҳ бўлиш, миллий-маънавий бағрикенглик ўзбек халқининг умумий маданияти ва менталитетининг ажралмас қисми даражасида ривожланганлиги қайд қилинади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида бундай дейилади: «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар».

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази директори Р.Убайдуллаева, Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари Миллий Маркази директори А.Саидов, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий Комиссиянинг масъул котиби А. Н. Икромов давра суҳбати халқаро бағрикенглик кунига ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Маркази ташкил этилганининг 10 йиллигига бағишланганлигини ҳамда миллатлараро ва динлараро аҳиллиқнинг ҳуқуқий асоси сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ролини қайд этдилар.

Форум қатнашчиларига «Ижтимоий фикр» Маркази директорининг ўринбосари профессор О. Ота-Мирзаевнинг «Кўп миллатли Ўзбекистон» (социологик сўров натижалари) ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати А. Юнусованинг «Диний сабр-тоқатлилик миллий хавфсизлик ва халқаро барқарорликнинг асоси» деб номланган маърузалари тақдим этилди.

Ўзбекистон 130 дан ортиқ миллат ва элатларнинг вакиллари учун умумий уй ҳисобланади, уларнинг маънавий бойиши ва маданий ривожланиши учун юртимизда кенг шароит яратилган. Мамлакатимизда анъанавий ислом дини билан бирга 15 та диний конфессия фаолият кўрсатади. Миллий ва диний сиёсат туфайли Ўзбекистонда этник тарқоқлик тўсиғи бартараф этилган.

Республикада амал қилинаётган миллий ўзлигини ифодалаш ҳуқуқларининг қонунчилик асоси давлатимиз сиёсатининг чинакам демократик хусусиятидан далолат беради. Мамлакатда фаолият кўрсатаётган миллий маданий марказлар ҳам барча миллат вакилларини жипслаштиришда муҳим ўрин тутмоқда.

Давра суҳбатида кўнгилда ифтихор туйғусини жўштирадиган янгиликлар жаранглади. Бобомиз Амир Темур икки насроний жорияни Елдирим Боязид зулмидан озод этиб, диндошлари бағрига қайтарган. Уларнинг бирини Испания қироли вазири яхши кўриб қолиб, никоҳига олган. Ҳозир ҳам уларнинг авлодлари Амир Темурни бобомиз дейишар экан.

Минг йиллиги нишонланган Маъмун академиясида мусулмон уламолари қатори икки насроний олим ҳам хизмат кўрсатган. Ҳар иккала дин вакиллари бир-бирларига устоз-шогирд бўлишган.

Миллий ва диний бағрикенглик, эллар аро тотувлик, инсон ҳуқуқларига кенг эътибор боис жонажон диёримиз халқаро ҳурматга сазовордир.

Давра суҳбатида маънавият ва маърифатни ривожлантириш соҳасида ишлайдиган олимлар, олий ўқув муассасаларининг ўқитувчилари ва талабалари, оммавий ахборот воситалари ва халқаро ташкилот вакиллари қатнашдилар.

**Довуд МАДИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

Ифтихор

# ЧАГАЕВНИНГ ҒАЛАБАСИ

## уни Николай Валуевга рўбарў қилди

18 ноябр шанба оқшоми, ўзбекистонлик бокс мухлислари учун эса 19 ноябр якшанбага ўтар кечаси узоқ вақт хотирада қоладиган бўлди. Орзиқиб кутилган лаҳзалар етиб келди. Ҳамюртимиз андижонлик Руслан Чагаев WBA йўналиши бўйича оғир вазнлилар ўртасида икки карра собиқ жаҳон чемпиони Жон Руизни мағлуб этиб, келгуси йили амалдаги чемпион Николай Валуев билан олтин камар учун баҳс олиб бориш ҳуқуқини қўлга киритди.

Айтиш жоизки, Руслан учун америкалик «чарм қўлқоп» устасини мағлуб этиш осон бўлмади. Тажриба барибир ўз сўзини айтмай иложи йўқ. Гарчанд ҳамюртимиз 12 раунд давомида ўз устунлигини сақлаб қолиш учун астойдил интилган бўлса-да, Жон лаҳзанинг ўндан бир қисмида ҳам кутилмаган ва албатта, ўзининг режасига кўра, ҳал қилувчи зарбани бериш пайида бўлди. Буни унинг деярли ҳар раунднинг сўнгги бўлагида жонланиши билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Яна ким билади, Ж. Руизнинг бундай тактика танлашига йил бошида Мюнхенда Чагаев ва яна бир америкалик боксчи Роб Калловей ўртасидаги жанг натижаси сабаб бўлгандир. Ўшанда Руслан рақибини иккинчи раунддаёқ нокаутга учрата олган эди. Ваҳоланки, 2002 йилда ушбу боксчиларнинг ўзаро баҳсида спортнинг бу турида камдан-кам юз берадиган натижа — дуранг қайд этилганди.

Бокс оламида «оқ Тайсон» лақабини олган Руслан Чагаев учун ғоят масъулиятли дамлар бошланди. Энди у шу пайтгача профессионал боксда енгилмай келаётган ҳақиқий спортчи сифатида амалдаги жаҳон чемпиони Николай Валуевга қарши туриши керак. Кўрамиз, тезкор ва кучли зарбалар соҳиби Чагаевми ёхуд оғир-вазмин, аммо тўқмоқ мушт эгаси Валуев ўз устунлигини намойиш этади.

Мухбирлар билан бўлган бир суҳбатда жаҳон чемпиони Руфат Рисқиев саволларга жавоб бера туриб, Руслан билан бир неча муддат машқлар ўтказганини, хусусан, унга кучли зарба бериш усулларини ўргатганлигини айтган эди. Чамаси Р. Чагаев яна устоз боксчидан сабоқлар олиб қўйса, фойдадан холи бўлмасди. Ҳар ҳолда девқомат Валуевни эсанкиратадиган зарбалар ҳам шунга яраша бўлиши керак.

Дарвоқе, Чагаев — Руиз ўртасидаги баҳсни томоша қилганлар орасида Николай Валуев ҳам бор эди. Бу, албатта, кўп нарсани англатади.

**М.ИБРОҲИМОВ**

Шарҳловчи мулоҳазаси

# СОНМИ ЁКИ СИФАТ?

## Иккиси ҳам керак, чунки улар бир-бирини тақозо этади

Ҳеч нарса ўзича яшамайди. Кимгадир ва нимагадир боғлиқлик, кимдандир ва нимадандир манфаатдорлик, кимгадир ва нимагадир зарур эканлик туйғуси бошқаради дунёни. Энг буюк мақсадлардан тортиб оддий кундалик юмушларгача ана шу қонуниятга бўйсунади.

Гап нимадалигидан хабар топгач, балки кимларгадир эриш туюлиши мумкин бу сўзлар. Ҳар кимнинг таъби. Бўзчи билганини тўқийди, мулла кўрганини ўқийди, деганларидек кўп нарса масалага қай томондан ёндошишга боғлиқ. Шундайки, «миллионлар ўйини» деб аталмиш спортнинг бу тури турғунлик аломатлари билан асло чиқиша олмайди, манаман деган футбол режиссёрларини чалғитиб, энг мукаммал сценарийларга ҳам ўз тузатишларини киритиш қобилиятига эга эканлиги аслида шундан. Аксинча бўлганида, ўша 1994 йилда Хиросимада қўлга киритилган оламшумул ғалаба — Осиё ўйинлари чемпионлиги билан шу пайтгача қаноатланиб ўтирармидик? Ўз кучимизни аллақачон Жаҳон биринчиликларида имтиҳондан ўтказмасмидик?!

Афсуски, эзгу ниятларга эришиш қийин кечмоқда. Нега? Қайси сабабларга кўра отимиз биз ўйлаганча чопмаётир? Катта йўлга чиқиб олишимизга нима халал бермоқда?

У ён — бу ён ўн йилдирки, ушбу саволларга жавоб излаймиз. Ҳатто топгандек ҳам бўламиз. Аммо сал ўтмай биламизки, жуда унчалик эмас. Ғоҳ ҳисобда янглишган, ғоҳ вақтдан адашган, ғоҳ эса ҳар икки жиҳатни уйғунлаштиришнинг уддасидан чиқолмаганлигимиз жабрини тортамиз.

Мана, навбатдаги мавсум ҳам поёнига етиб қолди. «Етиб қолди» дейишимизнинг боиси шуки, олдинда бизни ажойиб мусобақа — XV Осиё ўйинлари кутиб турибди. Бошқа спорт турлари вакиллари қаторида Инилеевга ишониб топширилган терма жамоамиз ҳам ўзининг нималарга қодирлигини намойиш этади, деган умид йўқ эмас, албатта. С. Жепаров, И. Нестерев, А. Алиқулов, А. Гейнрих билан кучайтирилган йигирма икки ёшгача бўлган талант соҳибларидан иборат жамоа, ажаб эмас, барчамизни хушнуд этса!

### ЕТАКЧИ

#### ким у, Жепаровми ёки...

Тарихда шахснинг роли, деган тушунча бор. Чамаси буни ҳар бир соҳага нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Дейлик, ҳаммамиз севган футбол Англияда туп қўйиб, палак ёзган дейишади. Шундай ҳам бўла қолсин. Лекин унинг оммавийлиги, бугунги таърифга кўра «миллионлар ўйини»га айланиши Бразилия термаси 1958 йилда Швецияда ўтказилган жаҳон чемпионатида кўрсатган мўъжизакорхатти-ҳаракатлар, айниқса, камолат чўққисига кўтарилган Гарринча ва эндигина ўн олти ёшга кирган Пеленинг афсунгарликлари билан бевосита боғлиқ, десак асло муболаға бўлмаса керак.

Кейин футбол осмонида порлаган юлдуз — афсонавий Диего Марадона пайдо бўлди. У мухлислар қалбидан шунчалар чуқур жой олдики, ҳатто унинг «хурмача қилиқлари» ҳам ҳеч кимга оғир ботмайдиган даражага етди. Акс ҳолда оммавий ахборот воситалари бу даражада «таъқиб қилмаган», ҳатто қайси фарзандлари қонуний никоҳдану, қайсилари ишқий саргузаштлар меваси эканлигига қадар икир-чикирларгача фавқулодда хабар сифатида тарқатмаган бўлар эдилар.

Сўнгра биз учун Роналдо, Рональдино, Бекхем ўзига хос тақлид тимсолига айланишди. Бироқ, эътироф этайлик, аксарият мухлислар кўпроқ Зиданнинг сеҳргарлигидан завқ олди, уни биринчи ўринга қўйди.

Бу дунёда ҳеч ким ва ҳеч нарса абадий эмас. Ишқибозлар эркалаб-эъзозлайдиган «Зизу» ҳам Германияда ёзда ниҳоясига етган жаҳон чемпионатидан сўнг футболни тарк этди.

Навбатдаги «кумир» ким бўлади? Кўпчилик Рональдино номини тилга олса-да, кўнгилнинг аллақаерларида бу фикрни инкор этувчи овозлар эшитила бошлагандек. Унда ким? Анрими? Балки Рунидир?..

Бугун худди шундай савол қаршисида ўзбекистонлик футбол шинавандалари ҳам бир тўхтамга келолмай турибдилар. Миржалол Қосимов кетди. Хўш, унинг ўрнини эгаллашга муносиб номзод борми? Негадир Сервер Жепаровга умид билдиргимиз бору, аммо унинг ҳам очилиши суст кечаётгандек таассурот ҳам йўқ эмас. Бошқача айтганда, терма жамоа зиммасига юклатиладиган юкнинг оғиш бурчагига ёлкасини тутишга унда куч, сабот-матонат етадими, йўқми, ҳамма гап шунда бўлиб турибди.

Биз сафнинг олдига чиқиб, бошқаларни ортидан эргаштира оладиган шахс ҳақида бунчалар куйиниб мушоҳада юритаётганимиз бежиз эмас. Гул-гулдан ранг олар, деган нақл бекорга тўқилмаган. Жепаров — юксак истеъдод эгаси. Аммо Қосимовсиз у бугунги даражага эриша олмасди. Демакки, бошқаларга ибрат-намуна бўлиш фурсати унга ҳам етиб келди. Сервер бу вазифани қандай ва қай таҳлит уддалайди, ҳозирча бир нарса дейиш қийин.

Агар масалага холис ёндошилса, ички чемпионатимизда С. Жепаров намойиш этаётган ўйиндан қониқиш ҳосил қилиш мумкин. Таассуфки, халқаро мусобақалар асноси, айниқса, терма жамоа сафида у М. Қосимов «бўла олмаётир». Қанчалик аччиқ бўлмасин, буни тан олишимизга тўғри келади. Бу, демакки, ҳали у ўз устида жуда кўп ишлаши даркор. Шундай ҳол юзага келиши керакки, токи биз жамоа етакчиси ҳақида сўз борганда, «Жепаровми, ёки...» дея каловланмайлик. Ана ўшандагина футболимизнинг бугунидан хотиржам, эртасидан умидвор бўлишимиз мумкин.

### ҲУВИЛЛАГАН СТАДИОНЛАР

#### бунга қачон чек қўйилади?

Саҳна — актёр — томошабин. Майдон — футболчи —томошабин... Гарчанд бир қарашда бу тушунчалар бир-биридан анча йироқдек туюлса-да, ўхшаш ва бир-бирини тўлдирадиган жиҳатлари ҳам талайгина. Саҳна ва майдон ўз йўлига. Ҳар икки ҳолатда ҳам томошабинни ўзига чорлайдиган, бу — жонли одамлар — актёрлар ва футболчилардир. Уларнинг савияси, маҳорати ва жозибаси саҳна ва майдонни муқаддас маъвога айлантиради. Аксинча бўлса, бири тахта тортилган, бири чим ётқизилган қуруқ бўшлиқдан бошқа нарса бўлмай қолади.

Энди театрни ўз ҳолига қўяйлик-да, стадионга қайтайлик. Нега у бўм-бўш? Ҳозир-ку, майли, кеч куз, футбол мавсуми тугаган, аммо айни қизғин учрашувлар чоғи ҳам шунга яқин ҳолат кузатилишини қандай изоҳлаш лозим? Нима, футболимиз шунчалар зерикарлими?!.

Баъзан у ёки бу нашрда ўқиб қоламиз, «зангори экран» ёки радиодан эшитиб, очиғи, ҳавасимиз келади. Эмишки, Европада тўп сураётган фалон жамоа машғулот ўтказаётганда, 20 минг, ҳатто 30 минг мухлис стадионга келибди! Бизда-чи?

Бугунги ёш томошабинларга балки бу эриш туюлар, лекин бу бор гап. Г. Красницкий, Б. Абдураимов, М. Ан, В. Хадзипанагис, В. Фёдоров, Т. Исоқов ва бошқа кўплаб «чарм тўп» усталари Якушинми, Соловьёвми, Качалинми каби мураббийлар қўл остида машғулотларда қатнашаётган пайтида «Пахтакор» стадионига камида 10 — 15 минг томошабин йиғиларди. Футболчиларнинг у ёки бу тактикани қандай ўзлаштиришлари, комбинацион ўйин кўникмаларини қай тарзда эгаллашлари, финт ёки зарбалар устида қанчалар узоқ вақт тер тўкишларини завқу шавқ ила томоша қилишарди. Ва, гувоҳ сифатида айтишим мумкинми, кетган қимматли вақтлари учун заррача афсус чекишмасди.

Бугун ҳатто ўйин куни ҳам ўриндиқларга жойлашган томошабинларни нафақат чамалаб, бир-бир санаб чиқиш мумкин бўлиб қолмоқда. Бу — бир неча йилдан бери сурункасига мамлакат чемпиони унвонини ҳеч кимга бермай келаётган жамоа тўп сурадиган «Пахтакор» марказий стадионидаги аҳвол. «Локомотив» клуби ўйнайдиган «Жар», пойтахтнинг яна бир жамоаси — «Трактор» меҳмонларни қабул қиладиган стадиондаги манзара бундан-да ачинарли кўринишда эканлигини айтмасак ҳам бўлади.

Водий клублари — «Нефтчи», «Навбаҳор-Н», «Андижон — ЎзДЭУавто» ҳамда Қаршининг «Насаф» ва қисман Муборакнинг «Машъал» жамоаларини истисно қилганда, бошқа стадионлар томошабин камлигидан фойда у ёқда турсин, ўз харажатларини ҳам қоплай олишмаётир.

Албатта, трибуналарни тўлдиришнинг кўп бор синалган, суньий йўллари кўп. Дейлик, мактаб ўқувчилари, коллеж ва лицей талабаларини «машинага босиб» олиб келиш мумкин. Лекин бу қачонгача? Қолаверса, транспорт харажатларини ким зиммасига олади?

Ҳатто, айтиш мумкинки, стадионга киришни текин қилиб қўйиш ҳам эпақали чора эмас. Тўғриси, шундай йўл тутилган ҳолларда ҳам бу ўзини оқламади. Бунга 14-турнинг «Пахтакор» — «Машъал» жамоалари ўртасидаги матч яққол мисол бўла олади. Ўшанда салкам 60 минг томошабинга мўлжалланган ўриндиқларнинг 8 мингигина тўлганига нима дейсиз? Ана шу учрашувдан келиб чиқиб мулоҳаза юритадиган бўлсак, футболчилар ва улар кўрсатаётган ўйин савияси пастлиги учунгина шундай ҳол юз бермаётир. Ахир ким «Пахтакор» ва «Машъал» шарафини ҳимоя қилаётган спортчилар маҳоратини қониқарсиз дея олади? Нималардир етишмаслиги ва нималардир устида ишлаш жоизлиги, бу бошқа нарса. Лекин умумий даражага қиёсан баҳолайдиган бўлсак, жавобни бугун бизни ташвишлантираётган доирадан излаш даркорга ўхшайди.

Бу — реклама. Содда қилиб айтганда, стадион олдига бўлажак учрашув ҳақида эълон ёпиштириб қўйган билан иш битмайди. Керак бўлса, телевидение ва радио орқали хабар қилиш, хабар қилишгина эмас, ушбу ўйиннинг аҳамияти ва албатта, ҳар икки жамоа ўртасида аввалги учрашувлар «ҳисоб-китоби», шунингдек, ютса нима бўлади-ю, мағлубиятга учраса турнирда қандай ҳолат юзага келиши хусусида ҳам мутахассислар, шарҳловчилар ва фахрий футболчиларнинг мулоҳазалари бериб борилса, айни муддао бўларди.

Нима учун учрашув арафасида икки жамоа мураббийларининг интервьюларини ташкил қилиш мумкин эмас? Борингки, уларнинг вақти бўлмади ҳам дейлик. Унда ҳар бир клуб матбуот котиби штатини очсин-да, унинг хизматидан истаганча фойдалансин. Шундай бўлса, клуб ва оммавий ахборот воситалари ўртасида бевосита алоқа ўрнатилиб, тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам анча осонлашар эди.

Қолаверса, клуб ва мухлислар ўртасида учрашувлар ўтказиб туриш мунтазамлилик асосида йўлга қўйилса, бунинг нимаси ёмон? Борингки, бугун ёки эртага майдонга тушишга ҳозирлик кўраётган футболчиларни чалғитмаслик зарурати бор бўлса, унда заҳирада ўтириб қолган, жароҳатия даволаётган ўйинчини бу ишга жалб қилиш мумкин-ку!

Меҳр — кўзда, дейдилар. Ўзаро мулоқот нафақат қизиқиш уйғотади, ишончни ҳам оширади. Ишонч бор жойдан садоқат бошланади. Ришталар мустаҳкамланиб, қандайдир маънода бу ҳам стадионга томошабинлар оқимини тезлаштиради. Шундай эмасми?

Санъаткор қанчалар қўллаб-қувватлашга муштоқ бўлса, спортчи ҳам мухлисларидан шунчалар куч олади, илҳомланади, ўзбекона қилиб айтганда, ўзини кўрсатгиси келиб қолади. Нафақат натижа, яъни гол ҳолати, балки ҳар бир комбинация, ҳар бир техник маҳорат, ҳар бир зарба қарсаклар билан олқишлаб турилса, ишонинг, биз севган ва келажагига умид билдирган футболчи савияси осмон қадар юксалиб, юлдуз мақомини олиши осонлашиб бораверади.

Ахир айтишади-ку, ўзимникидан қўймасин деб.

(Давоми 4-бетда)

# ШАХСИЙ ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИКЛАРГА

## имтиёзли кредитлар

***Бугунги кунда тадбиркорлик билан шуғулланишни истаган фуқароларга барча имкониятлар яратиб берилмоқда. Солиқларнинг йилдан йилга пасайиб бораётганлиги, имтиёзли кредитлар берилаётганлиги, ҳисоботлар топширишдаги енгилликлар, текширишларнинг кескин камайиб бораётгани — барча-барчаси ишбилармонлик учун кенг йўл очмоқда.***

Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон хўжаликлари ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳам тадбиркорларимизни қўллаб-қувватлаш борасида яна бир муҳим қадам бўлди.

Вобкент туман давлат солиқ инспекцияси ва туман меҳнат бўлими ҳамкорликда жойларда бўлиб, 18 ёшдан 50 ёшгача бўлган аёлларни, 18 ёшдан 55 ёшгача бўлган эркакларни, жами 322 нафар фуқарони рўйхатга олдилар. Уларга меҳнат дафтарчалари очилиб, энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида пенсия жамғармасига суғурта бадали тўлаш лозимлиги тушунтирилди. Суғурта бадали тўлаган фуқароларнинг ижтимоий таъминот бўлимида шахсий ҳисобга олиш варақалари очилиб, меҳнат дафтарчаларига иш стажлари киритилди.

"Пахтабанк"нинг туман бўлими томонидан чорва молларини кўпайтириш ва деҳқончиликни ривожлантириш мақсадида шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига, яъни 103 нафар фуқарога 85288 минг сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Ушбу маблағ ҳисобига 227 бош қорамол, шу жумладан, 103 бош соғин сигир сотиб олинди.

Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси томонидан 20 нафар фуқарога 15228 минг сўм, банкнинг ўз маблағи ҳисобидан 83 нафар фуқарога 70060 минг сўм маблағ ажратилди. Бугунги кунда кумушкентлик Абдурасул Тўхтаев, Шомирзо Шодиев, Насулло Яраshев, рохкентлик Олима Очилова, Шуҳрат Назаров, Олим Холов, шакаркентлик Комил Низомов, Мунаввар Тошпўлатова, Баҳодир Ҳусеновлар олган кредитларига сигир ва қорамоллар сотиб олиб, чорвачилик билан шуғулланмоқдалар.

— Банкдан 750 минг сўм кредит олиб, соғин сигир харид қилдим, — дейди шахсий ёрдамчи хўжалик раҳбари Д.Боқиева. — Ҳукуматимиздан ниҳоятда миннатдормиз. Аҳолининг турмуш даражасини янада кўтариш учун барча шарт-шароитлар яратилаяпти. Участка солиқ инспекториимиз пенсия жамғармасига бадаллар тўлаб бориши-миз келгусида бизга пенсия тайинлашга асқотишини тушунтирди. Шахсий ёрдамчи хўжалик сифатида туман солиқ инспекцияси бизни рўйхатга олди.

2006 йилнинг 21 апрелида Вазирлар Маҳкамасининг "2006-2010 йиллар даврида шахсий ёрдамчи деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари, биринчи навбатда қорамоллар сонини кўпайтиришни рағбатлантириш дастурини амалга ошириш чора- тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Қарорда шахсий ёрдамчи ва фермер хўжаликларида қорамол боқаётган ва етиштираётган чорвачилик маҳсулотларини сотаётган фуқароларнинг бандлиги тўғрисидаги Низомга асосан қишлоқ жойларидаги кам таъминланган ва кўп болали оилаларга қорамолларни бепул бериш кўрсатилган. 2006 йилда шундай оилаларга ҳомийлар, шунингдек, нодавлат хайрия ташкилотлари маблағлари ҳисобидан бир бошдан сигир бериш йўли билан ҳомийлик ёрдами кўрсатиш дастури тасдиқланди.

Туманда банд бўлмаган фуқаролардан меҳнат дафтарчаларини очиш бўйича 91 та ариза қабул қилинди. Кам таъминланган оилалардан 169 тасига бепул соғин сигирлар берилди. Бу борадаги ишлар ҳомийлар томонидан давом эттирилмоқда.

Қишлоқ жойларида меҳнат дафтарчасини очиш ҳамда пенсия тайинлаш учун стажини ҳисобга олиш, бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига бадалларни тўлаш ва ҳисобга олиш ҳамда пенсия тайинлаш тартиблари, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамоллар боқиш ҳамда етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини аҳолига сотиш билан банд бўлган фуқаролар манфаатларини ҳимоялаш мавзуларида суҳбатлар, мулоқотлар ўтказилмоқда. Тарғибот ишларининг тўғри йўлга қўйилаётганлиги туфайли шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари ой сайин кўпайиб бормоқда.

**Фазлиддин АМОНОВ,**
**Бухоро вилояти Вобкент туман ДСИ бошлиғининг биринчи ўринбосари**

# БОЖ ЮКИ КАМАЙДИ

***Солиқ, бож ва шунга ўхшаш кўплаб мажбурий тўловларни имкон қадар камайтириш давлатга ҳам, тадбиркорларга ҳам кенг имкониятлар яратиб беради. Буни ишимиз тушадиган нотариуслар фаолиятида яққол кўриш мумкин. Чунки улар гувоҳлигида тасдиқланган шартномалар бўйича давлат божи ундирилади. Илгари аксарият ҳолларда ана шу шартномаларнинг хатлов баҳоси ҳақиқий ҳаётга унчалик тўғри келмас эди. Яъни, мулкнинг ҳақиқий баҳоси яширилиб, бир неча баробар арзон кўрсатилишига ҳаракат қилинарди.***

## *Қарор ва ижро*

**Вазирлар Маҳкамасининг «Нотариал ишларни амалга оширганлик учун давлат божи ставкаси тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори нафақат юқоридаги каби ҳолатларга чек қўйди, балки бу иш билан шуғулланувчи ташкилотлар иш фаолиятини яхшилаб, одамларга кенг имкониятлар яратди. Унинг шарофати билан уй-жойлар, хусусийлаштирилган квартиралар, бинолар ва иморатлар, иншоотлар, транспорт воситаларининг олди-сотдиси, алмаштириш, ҳадя этиш тўғрисидаги шартномалар, фойдаланиш ва тасарруф этиш ишончномаларини тасдиқланганлик учун нотариуслар томонидан ундириладиган давлат божи ставкалари бир неча фоизга камайтирилди.**

**Мисол учун мулкдорнинг энг яқин қариндоши: эр-хотин, ота-она, ака-ука, опа-сингил ва фарзандлари номига мулк расмийлаштирилганда шартнома суммасининг 1 фоизи миқдорида ёки бошқа жисмоний ва юридик шахсларга тасдиқланганлик учун хатлов баҳосининг 10 фоизи миқдорида белгиланди.**

**Шунингдек, тегишли давлат кадастр идоралари тасдиқлагани учун қариндошлар ўртасида бир метр квадратга энг кам иш ҳақининг 0,5 фоиз миқдорида, жисмоний ва юридик шахсларга бир метр квадратга 2 фоиз давлат божи ставкаси белгиланди.**

**Бундан ташқари, мулкни бўлиш, кафиллик ва баҳоланмайдиган бошқа битишув шартномаларини тасдиқланганлик учун ҳам давлат божи ставкалари кескин камайтирилди. Масалан, жисмоний шахсларга энг кам иш ҳақининг 20 фоиздан 10 фоизгача, агар томонларнинг бири юридик шахс бўлганда, 40 фоиздан 25 фоизгача камайтирилди. Шунингдек, никоҳ билан боғлиқ барча шартномалар энг кам иш ҳақининг 50 фоизидан 25 фоизигача пасайтирилди. Ёки юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги транспорт воситаларининг олди-сотдиси, алмаштириш ва ҳадя қилиш ҳолатларида транспорт воситасининг фойдаланганлик муддатига қараб камайтирилган ставкалар жорий этилди.**

**Бундан ташқари, турмушимизда жуда кўп дуч келадиганимиз — ҳужжатларнинг нусхалари ва улардан кўчирмаларни тасдиқлаганлик учун давлат божи жисмоний шахслар учун 2 фоиз ўрнига 0,5 фоиз, юридик шахсларга 5 фоиздан 2 фоизгача миқдорида белгиланди. Хуллас, нотариал ишларни бажарганлик учун давлат божининг кескин камайтирилиши юртимиз тадбиркорларига бир қатор енгилликлар берди.**

Муҳаммаджон МИРЗАЕВ,
Олтиариқ тумани ДСИ бошлиғи

# ЁШЛИК - ОРЗУЛАР ЧАШМАСИ

**(Боши 1-бетда)**

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари Хуррам Ҳайдаров иштирокчиларни қутлаб, уларнинг келгусидаги ўқиш ва ишларида омад тилади.

Шундан сўнг Тошкент шаҳридаги олий ўқув муассасаларида таҳсил олаётган 150 нафар ва Тошкент вилояти педагогика институтида таҳсил олаётган 10 нафар кам таъминланган, ногирон талабаларга Тошкент шаҳар касаба уюшма кенгаши томонидан қимматбаҳо совғалари, 25 нафар иқтидорли талабалар эса Марказий кенгаш томонидан таъсис этилган махсус устама стипендияси ғолиблари гувоҳномалари билан тақдирланди.

Тадбир сўнгида Ўзбек Миллий академик драма театри ижодий жамоаси томонидан «Бир қанотлилар» спектакли намойиш этилди.

## ДИЛ СЎЗЛАРИ

**Алишер Абдуҳолиқов, Тошкент Давлат техника университети энергетика факультети 3-босқич талабаси:**

*- Ташкилотчиларга миннатдорчилигимни билдираман. Бундай тадбирлар талабаларни ҳар доим интилиш, изланишга ундайди, уларни руҳлантиради.*

**Гўзал Аюпова, Тошкент Молия институти 3-босқич талабаси:**

*- Марказий кенгаш томонидан таъсис этилган устама стипендияга сазовор бўлганимдан бошим осмонга етди. Ўз навбатида ёшларнинг интилишлари, қизиқишларига бефарқ бўлмайдиган ташкилотлар борлиги, бир томондан, қувонтирган бўлса, иккинчидан, зиммамизга янада кўпроқ масъулият юклайди.*

**Эркин Умаров, Ўзбекистон миллий университети журналистика факультети 3-босқич талабаси:**

*- Ўзганинг қалбига қувонч бағишлашнинг ўзи бўлмайди. Касаба уюшмаси бугунги хайрли иши билан бир эмас, ўнлаб, юзлаб талаба?ёшларнинг қалбини қувончга ошно этди. Ушбу тадбир биз ёшлар билан жамоат ташкилотлари ўртасидаги мустаҳкам кўприкдир.*

**Ҳидоят ЖЎРАЕВА,**
**«Ишонч» мухбири,**
**Икром Ҳасанов олган суратлар**

## *Бир хат изидан*

# АЛИНИНГ ТЎННИНИ ВАЛИГА КИЙГИЗГАН КИМ?

***Хусусий секторнинг ўрни ва нуфузи тобора ортиб бормоқда. Айникса, бозор инфратузилмасини ривожлантиришда кичик бизнеснинг аҳамияти беқиёсдир. Зеро, мамлакатимизда қабул қилинаётган конунларнинг мазмун-моҳияти мулкдорлар синфини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, эркинлигини кафолатлашдан иборат.***

Шундай бўлса-да, Деҳқоноободдаги «Мамарасулов Исматулло Хушмамат ўғли» фермер хўжалиги раҳбари Исматуллонинг кўнглига чироқ ёқса ёришмайди. Негаки, у бу йил чорвачиликдан кўзланган натижани қўлга киритолмади. Унинг бизнес-режасида тармоқни ривожлантириш йўли билан чорва бош сонини кўпайтириш, кичик цехлар қуриб, гўшт ва гўшт маҳсулотларини қайта ишлаш, 20 дан ортиқ ишчи ўринлари барпо этиб, одамлар бандлигини таъминлаш ҳамда жунни қайта ишлаб, сифатли маҳсулотлари билан дунё бозорига чиқиш каби бир талай орзулари бисёр эди.

Чунки у истиқомат қилаётган Катта Авжун қишлоғи туман марказидан анча олисда — тоғлар орасида жойлашган. Саноат корхоналарини ана шу жойда қуришнинг ўзи бўлмайди. Бироқ жундан гилам тўқиш, зардўзлик, кигиз ва рўзғорбоп маҳсулотларни тайёрлашда бу ердагиларнинг олдига тушадигани йўқ. Касаначиликни ривожлантириш тўғрисидаги ҳукумат қарори дилдаги ниятларни ҳаётга татбиқ этишга имкон яратди.

Исматулло оиладагилар ва яқинлари билан бамаслаҳат иш тутиб, «Бели бойли» ширкат хўжалиги негизида қайта ташкил этилаётган фермер хўжалиги комиссия аъзолари раҳбари номига 2004 йил бошида ариза ёзди. Ўзи узоқ давр шу ширкатда меҳнат қилгани сабабли тасарруфдаги барча майдонларни яхши биларди. Шу боис, унумдор ерларни эмас, таваккал дея 349-контурдаги ташландиқ ҳолга келиб қолган 2 гектар боғ ҳамда 67, 68-контурлардаги 50 гектар лалми учун ўтказилган тендерда қатнашиб, ютиб чиқди ва 40 йил муддатга уни амалдаги қонунларга кўра расмийлаштирди олди.

Мулкдор ерга эгалик қилса бас, дегани эмас, унинг зиммасида катта масъулият туришини ҳам ўзи фермер бўлгач англади. Дастлаб боғни қайта ободонлаштирди: табиатига қараб турли хилдаги мевали ва манзарали кўчатлар ўтқазди. Чорва бош сонини 300 дан зиёдга ошириб, 8 нафар кишини иш билан таъминлади.

Галдаги вазифа маҳсулотни қайта ишлашга ихтисослашган кичик линияларни топиб, ишга тушириш эди. Чорвадор фермернинг истиқболли режасини банклар ҳам қўллаб-қувватлашга тайёр эканини билдиришди. Вилоят маркази Қарши шаҳридан ва Косондан зарур дастгоҳлар топила қолгани режадаги ишнинг тезлашишига имкон берди. Хонадонидан жой ажратиб, дастгоҳларни ўрнатиш лойиҳасини ҳам тузиб олганди. Бироқ ҳаммаси барбод бўлди. Сабаб?

Кунларнинг бирида ҳамқишлоғи Зулфиқор Хонимов туман ҳокимининг 2005 йил 14 майда чиқарган қарорини кўтариб келади. Унда «Мамарасулов Исматулло Хушмамат ўғли» фермер хўжалигига тендер натижалари бўйича қонуний ажратиб берилган контурлар З. Хонимовга ҳам расмийлаштирилганди.

— Зиддиятли масалага аниқлик киритиш ва уни қонуний баҳолаш мақсадида туман ҳокими, мутасадди ташкилотлар ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига бир неча бор учрашиб кўрдим, — дейди И. Мамарасулов. — Қайсидир масъулиятсиз шахснинг ўйлаб топган бу «ўйини»га тезроқ барҳам беришни бирорта мутахассис зиммасига олмаяпти. Аксинча, кейинроқ билсам, айнан менга тегишли контурлар учинчи киши яъни «Эгамбердиев Шерали Эшонқул ўғли» масъулияти чекланган жамият шаклидаги чорва фермер хўжалигига ҳам ҳокимлик томонидан қарорлаштириб берилган экан...

Шу боисдан «Мамарасулов Исматулло Хушмамат ўғли» фермер хўжалиги Қашқадарё вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритади. Зиддиятли масаланинг адолатли ҳал этилишидан ва қилни қирқ ёрган мутасаддилар хулосасидан фермер катта умид қилганди.

Таассуфки, у кутганчалик бўлмади. Жорий йилнинг май ойида Қарши шаҳрида ўтган суднинг хулосасида шундай жумлалар бор (уни айнан келтирсак, мақсадга мувофиқ бўларди). «...туман ҳокимининг 2004 йил 19 феврал 327\2 сонли қарорнинг жавобгар вакиллари судга тақдим этган асл нусхасига қараганда, ушбу қарор билан даъвогарга 22-лойиҳа бўйича фақат 2 гектар боғ майдони 40 йил муддатга ижарага берилган. Даъвогар судга тақдим қилган ва даъво билдиришда асосланган қарор нусхасига туман ер ресурслари ходимлари томонидан ва 21-лойиҳадан 50 гектар яйлов 67, 68-контурлардан жами 52 гектар деган сўзлар асоссиз қўшиб ёзилади ва туман ҳокимлиги масъул ходими Х. Ашуров эътиборсизлик билан ушбу нусхани тасдиқлаб берган...».

Суднинг ҳал қилув қарорини таҳлил этишдан йироқмиз. Аммо бир нарса кишини ўйлантиради: фермерга ер ажратиш тўғрисидаги қарор туман мутахассислари томонидан эмас, балки биринчи шахс томонидан чиқарилса керак. Қолаверса, «Мамарасулов Исматулло Хушмамат ўғли» фермер хўжалигига бу ҳақда юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги 11-рақамли гувоҳномада ҳам зикр этилган контур ва лойиҳалар аниқ қилиб ёзиб қўйилган. Шу асосда у солиқ ва бошқа тўловларни ўз вақтида амалга ошираётгани ҳамда ундан бошқа яна икки нафар киши шу жойдан ноқонуний равишда фойдаланаётгани эътиборга олинмаганлиги ажабланарли. Суд қарорида таъкидланганидек, туман ҳокимлиги масъул ходими Х. Ашуров эътиборсизликка йўл қўйган бўлса, нега бу хатолик шу пайтгача, ўз ўрнида тузатилмади, деган ҳақли савол туғилмайдими? Ёки кимларнингдир эътиборсизлик ва масъулиятсизларча иш юритганлиги азобини нега тадбиркор тортиши керак. Бунга вилоятдаги мутасаддилар, ҳуқуқ-тартибот органларидагилар нима дейишаркин?

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

Одам-ку ўз йўли билан, баъзан мол, жонивор ҳам хислатли бўларканда-а, деб кўп гапиришар эди, тўлабостиликлар. Ростдан, агар ўша тарғил говмиш бўлмаганда, Пардахол онамиз хотин боши билан полвон, деган ном олмасмиди. Бўлмасам юз килолик ғалла тўла қопни елкасида даст кўтариб йилқига орта оладиган фақат Пардахолмиди?! Юз кило эмас, ундан ҳам ошиқроқ юкларни ғалла хирмонидан аравага, аравадан ғаллахона ёки ертўлага бемалол ташийдиган қиз-жувонлар ҳар қишлоқдан топилиб турарди. Аммо Пардахоли тушкур бошқачароқ, у ҳуснда фариштa, кучга келганда бамисоли дев, дейишар эди тўлабостиликлар. Ўзлари эса Пардахолнинг кўпам атрофида айланишавермас, бири келин деса, яна бири чеча, деб нарироқдан ўтишга ҳаракат қиларди. Пардахолдан эри ҳам қўрқади, дейишар эди, ғийбатни сал хуш кўрадиганлари. Қўй-э, дейишарди сал эси борлари. Холмурод оқсоқолдай жигитнинг орқасидан шуй деб солишинг ўзингга эпми, Холмуродбой ким-у, Пардахол ким? Полвонми, бошқами барибир аёл боши билан Холмуродбой бўла олармиди, деб қолишарди. Холмуродбойнинг ўзи ҳам бу ҳангомаларни орқаворотдан эшитиб юрар, аммо феъли кенглигидан бунақа гап-сўзларга ортиқча парво қилмасди. Лекин Парда, дерди баъзан, сен аёлсан, аёлга ўхшаганинг маъқулроқ, бир эркакка ўхшаган аёлнинг, яна бир аёлга ўхшаган эркакнинг юзини худонинг ўзи тескари қилсин. Қоп кўтаришни сенга ким қўйибди, деб койиган бўларди. Чиндан ҳам Пардахолнинг ҳа, деганига маҳтал турган чорикорлар Холмуродбойнинг ҳовлисида ҳамиша топиларди. Аммо суяги меҳнатда қотган Пардахол иш деган жойда ҳеч қараб тура олмас эди.

Пардахол асли тоғлик Чорлоқсойнинг Темиркон қишлоғидан Тўлабостига келин бўлиб тушганида энди ўн саккиздан ўтиб, ўн тўққиз ёшни қоралаётган хуш сумбат, билагига куч энган полвон келбат бўй қиз эди. Янги келин рўзғорнинг паст-баландини кўп билмайди. Ҳовлида нима кўп, мол-ҳол кўп, соғин сигир кўп. Шуларнинг ичида елини челакдай бир тарғил ҳам бўлгучи эди. Ўзи росаям хушрўй, шаҳло кўз, серсут жонивор эмасми, кўрган одамнинг ҳаваси келади. Ҳар тўкисда бир айб, ғунажинлигидан тепонғич чиқди, савил. Не қилсанг ҳам тепади, олдига ўт ташлаб, ем бериб, қашлаб, силаб-сийпаб, айланиб ўргилиб энди соғиб бўлганингда бир тепади тамом, челакни ушлаб қолсанг қолдинг, бўлмаса сатил тўла сут гўнг билан битта бўлиб қоришади қолади, аввалласи ўша тепкининг бир учи соғувчининг ўзига ҳам тегиб у ер-бу



ерининг кўкариши тайин. Аммо жонивор бузоқни ҳам бир қулоч қилиб туғади-да. Буёғи ҳам бор. Туққанда ҳам нуқул хўкизча қилиб қумолоқлайди. Тарғилнинг бир яшар бузоғи бошқа сигирларнинг икки яшар новвосига тенг келаверади, ёшини етилтириб қўшга қўшсанг, омочнинг орқасидан юриб чарчамасанг бас, қўш тортиб чарчамайди, хўкиз дегани. Аммо ўзиям уч-тўрт молнинг емишини ейди-да. Хўкиз эмас, бамисоли фил, шу гавдасига яна ўлгудек юввош, устига минсанг ҳам қилт этмайди денг. Онасининг эса аҳволи бул. Шундай бўлса-да Холмуродбой шу сигиридан ҳечам ажралгиси келмайди. Тепсаям майли, юраверсин, дер эди у, сигирининг зарбидан юраги безиллаб қолган хизматкор аёлларга. Сути бошидан қолсин, берган бузоғи ундан нари, йўқот мунингди, ҳаммани қону зардоб қилди, деб зорланувчи онасига ҳам, майли юраверсин, буям бир мол-да, деб бепарво кулиб қўярди.

Чорлоқликлар ҳам чорвадор халқ, Пардахол шу қишлоқнинг қизи эмасми, янги келинман, деб пардозини қилиб, қараб турмади. Саҳарлаб ҳовлини бир қур супуриб ташлагач, қайнонасининг ҳай-ҳайлаганига ҳам қарамасдан тўрт-беш сигирни қаторлаштириб бирпасда соғиб қўйди. Охирги қозиқда тарғил турарди. Пов-пов қуйилаётган сутдан пақир тўлди, аммо ўша ахвол, кўз илғамас бир силтов... челак ҳовлининг нариги чеккасига учиб тушди, зарбнинг кучидан эса Пардахол ўтириб қолди. Янги келинчак денг, дув қизарди, тупроққа беланган қалами қўйлагини қоқди, кейин сигирни бўйнига ўхшатиб бир муштлади. «Ҳе ўл, буйтиб сийир бўмай» деди, димоғида. Ана энди... энди сигир ағдарилиб тушди. Худди шундай, келинчакнинг бир зарби билан жардек сигир тўрт оёғи осмондан келиб анча вақт тапир-тупир қилди-да, базўр ўрнидан қўзғалиб гарангси-иб туриб қолди. Пардахол бориб челакни олиб келди, офтобадан сув қуйиб ичи-сиртини чайқаб ташлади-да, яна бамайлихотир ўтириб ярим сатил сут соғиб олди. Энди тарғил қилт этмади...

Боламай, у ер-бу еринг оғриб қолмадими ишқилиб, мен ўлай, намоз билан бўлиб бу ҳайрон қолгурнинг феълини айтиш эсимдаям бўлмабди, деди қайнонаси.

Келин эмас, бир бало экан бу, деди Пардахолнинг ишини кузата-кузата куви пишаётган Абдуллақулнинг аёли, вой ўла қолай, бир уриб сигирни ағдарган келинчак эмас, эркакни кўриш нари турсин, эшитмаган ҳам эдик, ўлмаган қулга буям бир томоша экан-да.



Шу-шу тарғилни фақат Пардахол соғадиган бўлиб, сигир ҳам тепишини қўйди. Элда «полвон келин» деган ном тарқалди. Эл бир нимани билмаёқ гап қилмайди, Пардахол ҳақиқатан ҳам полвон эди. Унинг учун юз килолик буғдой тўла қопни хўп-па, деб биянинг эгарига ўнгариш ёки бир сандиқ майизни уйининг у чеккасидан бу чеккасига олиб қўйиш ҳеч гап эмас эди. Худо ёрлақаганлигидан меҳнат деганини тугатмасдан тинчимас, қўй ахир, бу сенинг ишинг эмас, ўзим эплайман деганига қарамай куёви Холмуродбойнинг ишларига ҳам қўл солишиб кетаверар, иззат-ҳурматини роса жойига қўяр, хотин бўлиб эрининг юзига биргина тик қараб, ножўя сўзламай ўтди Пардахоли тушкур.

Трама[1] тушиб, кунлар салқинлаб қолган. Ҳар кунги одати бўйича саҳарлаб туриб бомдодга таҳорат оладиган Холмуродбой ҳовлида куймаланиб юрган Пардахолга кўзи тушди. Бирон кун сендан эрта тура олмадим-э, дея ғудранганча чопонини елкасига ташлаб боғ тарафга бурилди. Бир пас кунчиқар томон қараб қолди. Шапалоқдай юлдуз пориллаб, кунботишдаги қирнинг қоқ тепасида турарди. Энди тонг отиб келаётганди.

Даштлик чорвадорларнинг энг масъулиятли дамларидан бири сурувга қўчқор қўшиш пайти бўлиб, олти ойдан кейин оладиган тўлнинг сифати худди шу паллагача қилинадиган меҳнат билан ўлчанар эди. Шунинг учун Холмуродбой ҳам йил бўйи беш-ўнта наслдор қўчқорни танлаб алоҳида парвариш қилар, кейин уларни авайлаб-уринтирмасдан сурув ёйилиб юрган жойгача элтиб чўпонларига топширар, қўй қочириш пайтида ўзи ҳам худди тўл олаётган вақтидагидек яйловда ҳафта, ўн кун қолиб кетарди.

— Эртага бир товга ўрлаб келай, — Парда, деди хотини пишириб келтирган ширчойини мазза қилиб тушириб олгач Холмуродбой.

Шу кетганича кетиб, ҳафта деганда қайтиб келди. Қайтганда ҳам афт-ангори бир ҳол бўлиб қайтди. Ётаман, деди кела солиб Холмуродбой. Ётаман, ичим куйиб кетаяпти, айрон бер! Айрон ичди. Кечга довур гоҳ уйғоқ, гоҳ уйқуда тўлганиб ётди. Бир маҳал кўзини очиб, болаларимни чақир, деди. Фармонқул билан Тўрақул кириб келишди. Ғўдакларнинг эгнида бўз кўйлак, бўз иштон, Холмуродбой уларни адовур вақт бағридан қўймай турди. Кейин чуйдаларидаги бир тутам кокилларини силаб, майли, борақолинглар, деди. Эрининг имоси билан оёқ учига келиб кўнган Пардахолга алланечук қилиб тикилди ва Пар-

Орамиздаги одамлар

***Ҳаётда шундай одамлар борки, бутун умрини инсонларга бағишлайди. Бу, албатта, киши қалбининг қанчалик даражада гўзал ва софлигига боғлиқ. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган Раъно Убайдуллаева ана шундай олийжаноб фазилат эгасидир.***

# ЭЛ СЕВГАН АЁЛ

Ўқувчилик давридаёқ иқтисодиёт соҳасига қизиқиш билдирган Раъно 1954 йилда пойтахтдаги 80-ўрта мактабни тамомлаб, Тошкент Молия институтига ўқишга кирди. Олий ўқув даргоҳини муваффақиятли битиргач, Ўзбекистон Фанлар академияси иқтисодиёт институтига ишга юборилди. Маълум муддат лаборант, катта лаборант, аспирант, кичик илмий ходимгача бўлган вазифаларда ишлади. 1964 йилда "Меҳнат иқтисодиёти" мутахассислиги бўйича иқтисод фанлари илмий даражасини олиш учун номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Орадан роппа-роса ўн йил ўтгач, "Туманлар иқтисодиёти, ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштириш" мавзуидаги диссертацияси учун докторлик даражасига эришди. Ўшандан бери ҳозирги кунгача Раъно Аҳатовна иқтисодиёт мутахассисликлари бўйича номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилишга ихтисослаштирилган кенгашнинг аъзосидир.

Раъно Убайдуллаева давлат ва жамоат ишларидаги фаол иштироки билан эл ҳурматини қозонди. 12 йил мобайнида ЎзФА иқтисодиёт институти илмий ишлар бўйича директор ўринбосари вазифасида самарали фаолият юритиб келган. 1990 йилдан буён АҚШ Миллий география жамияти аъзоси ҳамдир. 1992 йилдан эса ЎзФА иқтисодиёт институтининг ижтимоий муаммолар бўлими раҳбари, 1993-1997 йилларда меҳнат вазирининг ўринбосари, 1998 йилдан шу кунгача "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг директори лавозимида ишлаб келмоқда. 1994 йилда ЎзФА мухбир аъзоси, бир йил кейин Марказий Осиё тадқиқотлари бўйича Европа (TSKAS) жамият аъзоси этиб сайланган.

1999 йилда меҳнат ва бандлик минтақавий академиясининг академиги этиб сайланган Раъно Убайдуллаева етти йилдан бери ЮНЕСКОнинг "MOST" дастури бўйича мувофиқлаштирувчи қўмита раиси вазифасини бажаряпти.

2000 йилда Раъно Аҳатовна Ўзбекистон Фанлар академияси академиги этиб сайланди. 2002 йилдан шу кунга қадар "Жамоатчилик фикрини ўрганишнинг долзарб муаммолари" республика илмий-амалий семинарига раҳбарлик қилмоқда. Айни пайтда Зулфия номидаги мукофот билан тақдирлаш бўйича Давлат комиссиясининг аъзоси ҳамдир.

Р. Убайдуллаеванинг илмий фаолияти рус олимларига яхши таниш. У Россия Фанлар академиясининг "Социологические исследования" халқаро журнали таҳририяти кенгаши аъзоси ҳисобланади.

Олима 200 дан ортиқ турли илмий монография, қўлланма, рисола ва мақолалар муаллифидир. Уларда Ўзбекистон аҳолиси ва меҳнат ресурслари, юртимиз халқ хўжалигида хотинқизларнинг роли, қишлоқ аёллари иш билан бандлигининг ижтимоий-иқтисодий муаммолари, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва меҳнат унумдорлигини оширишнинг асосий йўллари ва бошқа йўналишдаги долзарб мавзулар ёритилган.

Раъно Аҳатовнанинг халқ, юрт олдидаги хизматлари давлатимиз томонидан юксак қадрланган. Олима "Меҳнат шуҳрати" ордени, "Меҳнат фахрийси", Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги муносабати билан "Ватан олдидаги хизматлари учун" медаллари билан тақдирланган.

Раъно опанинг оиласини том маънода олимлар оиласи дейиш мумкин. Турмуш ўртоғи Абдулла Убайдуллаев тиббиёт фанлари доктори, профессор, ЎзФА академиги, соғлиқни сақлаш вазирлиги физиотерапия ва пулмонология институти директори лавозимида ишлаб келмоқда. Фарзандлари — Хайрулла иқтисод фанлари номзоди, Саъдулла ва Камолахон тиббиёт фанлари номзоди, Гулихон филология фанлари номзоди илмий даражаларини олишга муваффақ бўлишган. Набиралари ҳам уларга муносиб издош бўлиб камолга етишмоқда.

Етук олима, фидойи инсон Раъно Убайдуллаева ўзининг муборак 70 ёшини қаршиламоқда. Ана шу муносабат билан бу табаррук инсонга баракали умр, сиҳат-саломатлик ва бахт ёр бўлсин, деймиз.

**Тошпўлат ТОШЛОНОВ,**
**фалсафа фанлари доктори, профессор**

## Баҳром Норхўжаев:

# УЧУВЧИ ДОВЮРАК БЎЛИШИ КЕРАК

Эътибор берган бўлсангиз, бадиий фильмларда ҳаво кемаси капитани образини феъл-атвори жиддий, оғир-босиқ, камгап ва салобатли актёрлар ижро этишади. Бирон-бир йўловчи билан муаммо чиқиб қолганида ёки вазият талаб қилганида, ҳаво кемаси саҳнига келган салобатли командир борт-кузатувчи ёки йўловчига жиддий оҳангда аниқ ва қисқа буйруқ билан парвозни тўхтатиб, заҳира аэродромга қўнишини ҳал қилади. Унга шундай ваколат берилган. Чунки, у кема капитани, у ҳаво кемаси ҳамда унинг барча йўловчилари ҳаёти олдида жавобгардир. Картина режиссёрининг экипаж командири образини юқоридаги сифатлар билан тасвирлаши бежиз эмас, албатта. Зеро, ҳақиқий учувчининг феъл-атвори жиддий, вазмин ўзи эса ҳар қандай вазиятда масаланинг ечимини зудлик билан, энг асосийси, тўғри топа оладиган уддабурон инсон бўлиши керак. Баҳром ака Норхўжаев билан илк бор суҳбатлашганимда, беихтиёр кўз ўнгимда фильмларда тасвирланган ўша учувчи образи гавдаланган эди. Бугунги қаҳрамонимиз — салкам ўттиз йиллик ҳаётини Фуқаро авиацияси ривожига бағишлаган, 12 минг бехатар парвозлар соатига эга бўлган, «Боинг» ҳаво кемаси командири.

— Болалик чоғларимда отамга ўхшаб шифокор бўламан, деб ўйлардим. Абдувоҳид акам мактабни битириб, учувчилар билим юртига ўқишга кирдию, фикрим ўзгарди, — дейди Баҳром Норхўжаев. — Биласизми, ўзбек оилаларида тўнғич фарзанднинг укаларига таъсири катта бўлади. 1975 йилда Бугуруслан Учувчилар билим юртига ўқишга кирдим. Ўқишни тамомлагач, дастлаб Жиззах аэропортида «Ан-2» ҳаво кемасида иккинчи учувчи сифатида ўз фаолиятимни бошладим. 1981 йилда эса илк мустақил парвозни муваффақиятли амалга ошириб, командир бўлдим. Ушбу муваффақият менга хурсандчилик бахш этган бўлса-да, бироқ олдинда забт этилмаган чўққилар жуда кўп эканлигини яхши билардим. Шунинг учун «Ту-154», «А-310» ҳаво кемалари бошқарувини ўзлаштирдим. 2000 йилдан «Боинг» ҳаво кемасига биринчи гуруҳ учувчилари қаторида қайта ўқидим.

Баҳром акага ҳақиқий учувчи қандай фазилатлар эгаси бўлиши керак, деб савол берганимда, у киши:

— Учувчи, аввало, довюрак бўлиши керак — деб жавоб берди.

Жамиятда ўз ўрнини топишида ёрдамини аямаган, керакли маслаҳатлар бериб тўғри йўл кўрсатган инсонларни Баҳром ака ўзига устоз деб билади.

— Гарчи, учувчилик касби тинмай малака ошириш, ўз устида изланишни талаб қилса-да, уни танлаганимдан ҳеч афсусланмайман, аксинча, касбим билан фахрланаман. Биласизми, унинг машаққатли жиҳати бўлгани каби ўзига яраша гашти ҳам бор. АҚШга учганимизда баъзан табиат мўъжизаларидан бири саналган самодаги Шимол ёғдусини томоша қиламиз. Австралияга қилган сафарим ҳамон ёдимда. Ўшанда Ўзбекистонда куз фасли эди, дарахтларнинг барглари сарғайган. Австралияда эса баҳор, дарахтлар гуллаган, ҳаммаёқ ям-яшил. Санъат, гўзаллик шайдолари рассомлар яратган бетакрор манзаралар тасвирланган картиналарни томоша қилиб маънавий завқ олишса, биз ўз ишимиз орқали мислсиз завқ оламиз. Касбни эгаллашда менга ёрдам қўлини чўзган самимий инсонлар Рустам Зубаров, Шакар Ширинов, Николай Миняйлов, Азиз Қодиров, Эркин Ғуломов ва Игорь Дюбинларга миннатдорчилик билдираман.

Салкам ўттиз йиллик фаолияти давомида Баҳром ака учувчи-йўриқчи сифатида кўплаб малакали шогирдларни тарбиялади. «Боинг» ҳаво кемаси учувчилари Равшан Абдураҳмонов ва Александр Яковлев шулар жумласидандир. Баҳром акани нафақат шогирдлари, балки ҳамкасблари ҳам ҳурмат қилишади.

— Отрядда Баҳром Норхўжаевни малакали мутахассис ҳамда ишончли, самимий, кўнгли очиқ инсон бўлганлиги учун ҳам ҳурмат қиламиз. У жамоамиз фахри, у каби ўз касбининг фидойи мутахассислари кўпайишини истар эдик, — дейди штаб раҳбари Алексей Ким.

Баҳром ака нафақат моҳир учувчи, ишончли дўст, балки уч фарзанднинг меҳрибон отаси ҳамдир. От изини той босади, деганларидек, ҳозирда Баҳром аканинг тўнғич ўғли Алишер Норхўжаев ҳам 3 - Учувчилар отрядида «Ан-24» ҳаво кемасида иккинчи учувчилик қилмоқда.

**Шаҳноза КУРБОНБОЕВА**

*Янгийўл туман йўл хўжалиги таъмирлаш-фойдаланиш пудрат корхонаси жамоаси кенг ва равон автомобил йўлларини барпо этиш борасида салмоқли ишларни амалга ошириб келишмоқда.*

*Масалан, жорий йилнинг ўтган ойлари давомида 6 километр йўл ўрта таъмирдан чиқарилди. 3 километр масофада пиёдалар йўлакчаси барпо этилди. Шунингдек, жамоа пойтахтимиздаги йўл иншоотларини барпо этишда ҳам фаол иштирок этди. Умумий бажарилган ишлар кўлами 152 миллион 303 минг сўмликни ташкил этди.*

*Жамоада 76 нафар ишчи-хизматчи ишлайди. Уларнинг ижтимоий муҳофазаси эътиборда. Бу ерда меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳам бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда.*

**Суратда: (ўнгдан) корхона бош муҳандиси Валижон Раҳмонов, йўл устаси Шерзод Алхаров ҳамда мутахассис Абдуали Худойберганов галдаги вазифалар хусусида суҳбатлашмоқда.**

## ● *Иш билганга минг танга*

***Яқинда пойтахтнинг савдо дўконларининг биридан пишлоқ харид қилдим. Бежиримгина ўралган маҳсулотнинг таъми меҳмонларга ҳам қоят манзур бўлгани учун беихтиёр қаерда ишлаб чиқарилгани билан қизиқдим. Қоғоздаги ёзувларни ўқир эканман, қалбимда алланечук туйғулар пайдо бўлди. Боиси, мана шундай кенг шаҳарда тўғилган жойингнинг номи тилга олиниши ўзгача завқ бағишлар экан.***

# ТАЪМИГА ГАП ЙЎҚ

**Ушбу маҳсулотни ишлаб чиқарган "Оқ Сув" фермер хўжалиги ҳақида маълумотга эга бўлсам-да, фаолиятини шу қадар кенгайтиргани тўғрисида эшитмаган эканман. Фермер хўжалиги раҳбари Алижон Аҳмедов билан бўлган суҳбат давомида унинг номаълум бир қанча ютуқлари аён бўлди. Ҳаётдамида хорижий инвестицияларни жалб этиб, ер майдонининг 144,6 гектарга кенгайишига ва ишчилар сонининг 150 тадан ортишига эришди.**

**Фермер хўжалиги деҳқончилик, чорвачилик, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш билан бирга техник хизмат кўрсатиш турини ҳам йўлга қўйган.**

**2002 йил "Оқ Сув" фаолиятида туб бурилиш даври бўлди. Боиси, кунига 20 тонна сутни қайта ишлаш заводи ишга туширилди. Бу ерда Туркия технологиялари ёрдамида "Қашар" пишлоғи, бринза, сарёғ, крем пишлоқ, айрон, албумин твороги каби сут маҳсулотлари юқори сифатда ишлаб чиқарила бошлади. Қувонарли жиҳати, завод ишга туширилгач, аҳолидан сут йиғиш натижасида қарийб 1300 оилага қўшимча даромад манбаи яратилди.**

**— Илгари бундай имконият бўлмаганидан иссиқда таркиби ўзгарган сутдан фойдалана олмасдик. Энди рўзғорга ҳам анча ёрдам бўлмоқда,— дейди Гулбаҳор Тўйчиева.**

**Айни пайтда хўжалик сут заводини янада ривожлантириш учун доимий ҳамкори "AKBEL SUT VE SUT URUNLARI" турк компаниясидан эритилган пишлоқ, йогурт ва турк айрони ишлаб чиқаришга мўлжалланган технологик ускуналарни сотиб олиш учун кредит олди. Демак, яна бир неча оила қўшимча даромаддан хушнуд бўлади.**

**Деҳқончилик соҳасида ҳам хўжалик ҳар йили кўзланган мақсадга эришиб келмоқда. Унинг ихтиёридаги 4 комбайн, 4 ҳайдов ва 10 чопиқ трактори ердан самарали фойдаланиб, юқори ҳосил олишни таъминламоқда.**

**—Ниятимиз сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, имкон борича янги иш ўринларини яратишдир,— дейди А. Аҳмедов.**

**Фан-техника борасида ҳам бир қатор янгиликлар жорий этилмоқда. Жумладан, хўжалик раҳбари Алижон Аҳмедовнинг патентланган ихтиролари асосида пахтачиликда ёқилғини 30 фоизгача, сув сарфини 20 фоизгача камайтириш, минерал ўғитлар самарадорлигини ошириш ҳамда тупроқ унумдорлигини яхшилаш имкониятларини берадиган янги технологияни яратишдаги изланишлари кутилган натижаларни бермоқда.**

**Мактуба МЎМИНОВА,**
**" Ишонч" мухбири**

## ● *Яхшидан боғ қолади*

***Ҳадисда «Илмли кишилар уч тоифага бўлинади. Биринчиси илмни ўрганади, ўзгаларга ҳам ўргатади. Иккинчиси эса илмни ўрганиб, ўзи амал қилмайди. Учинчи кишилар эса мутакаббирлик қилиб, ўзи ҳам ўрганмайди, ўзгаларга ҳам ўргатмайди. Булардан биринчиси мўмин, иккинчиси фосиқ, учинчиси эса кофирдир» дейилади.***

# ДОНОБОЙ АКАНИНГ ШОГИРДЛАРИ

Биз ана шундай мўмин кишилардан бири, илм ўрганиш йўлида тинмай изланган, ўзгаларга ҳам ўргатиш билан сермазмун умр кечирган Донобой ака Қўшоқов ҳақида сўз юритмоқчимиз.

1966 йиллар... Мирзачўл ўзлаштирилиб, турли жойлардан одамлар кўчиб кела бошлади. Улар ҳали ўзини тиклаб ололмаган, ўз ташвишлари билан овора бўлишган. Шунинг учун илмга, ўқишга унчалик эътибор йўқ эди. Каталакдек 2 та синфда 20-25 нафардан бола ўқирди. Бу ерда 4 йиллик бошланғич таълим бериларди. Шундай бир даврда ҳам Донобой ака савоб ишга қўл урди. У мактаб қуриш мақсадида мутасаддиларга елиб югуриб, ниҳоят бир йил деганда юқоридан рухсатномани олди. Ўзи бош бўлиб, қишлоқ аҳлини ҳашарга чақирди. 2 йил деганда қўл меҳнати билан 160 ўринли ўрта мактаб қад кўтарди. Энди болалар узоққа қатнаб эмас, балки қишлоқ бағридаги мактабда ўқий бошлади.

Донобой ака нафақат ўқитувчи, жонкуяр инсон, меҳрибон устоз бўлган. У илмли кишиларни ҳурмат қилган, илм ўрганиш йўлида юрганларга қўлидан келганча ёрдам берган. Айниқса, илм даргоҳларида таълим олаётган қишлоқ ёшлари, шогирдларидан кўмагини аямаган. Шогирдлари устознинг бундай олижаноб хислатларини меҳр билан эсга оладилар. Мана 40 йилдирки, Донобой аканинг савобли ишга қўл уриб, қурган мактабини бугунгача неча минглаб ўқувчи битирди. Улардан шифокорлар, минглаб ўқитувчилар ва бошқа турли касб эгалари етишиб чиққан.

«От изини той босар» деганларидек, Донобой аканинг фарзандларидан Турсунали Қўшоқов ҳам ҳудди отаси каби бугунги кунда ёшларга таълим-тарбия бериб келмоқда.

**Муҳайё БОЙМАТОВА,**
**Сайхунобод тумани 38-умумтаълим мактабининг касаба уюшма қўмитаси раиси**

# КАСБИДА ЯНГИ СПОРТ ИНШООТИ

**Қашқадарё вилоятида болалар спорт мажмуаларининг сони яна биттага кўпайди. Бу сафар Касби туманининг энг чекка ҳудудларидан бири ҳисобланмиш Назартепа қишлоғида болажонлар учун муҳташам спорт иншооти қурилди.**

**42-ўрта мактаб ҳудудида қисқа фурсатда барпо этилган мазкур болалар спорт мажмуасининг умумий майдони тўрт гектарни ташкил этиб, у ерда ёпиқ спорт зали, стадион, мини футбол, қўл тўпи, баскетбол ва волейбол майдонлари қад ростлаган.**

---

да, деди. Тараддудингни кўравер, мен одам бўлмайман чоғи. Ишқилиб рози бўлгин. Яхши, ёмон...

Холмуродбой айни қирчиллама йигит пайтида ўлимни худди шундай мардона қарши олди. Оҳ демади, воҳ демади. Худдики, Оқтепа бозорини бир айланиб келайин, дегандек оддийгина қилиб, ортиқча ваҳима-поҳимасиз Пардахолга, одам бўлмайман чоғи, деб ўтирибди. Ўзи бу атрофнинг одамлари шундай бир оддий табиат-да, оддийгина яшаб, оддийгина ўлишарди. Аммо Холмуродбойники ҳамманикидан ошиб тушди. Ўзи ҳам кўпчилик тўлабостиликлар қатори бўз йўргакда катта бўлиб, отаси Холматбойнинг елкасидан тушмади. Кейин ўз-ўзидан ёқасига чертган қирқ жигит бўй чиқди бу дейишди, уни суйиб қишлоқдошлари. Яна бировлари сал олифтароқ дейишди. Аммо жуда жўн ўлди. Ўлаётганнинг эмас, ўлаётганнинг ёнида ўлтирган Пардахолнинг ранги қув оқарди. Аслида Холмуродбой эмас, Пардахол ўлимга чоғланаётгандек эди. Бу ҳувиллаган даштда ошиқ-мошиқ, суяман-куяман деган гаплар эриш туюлар, шунинг учун бу хил ҳангома кам бўлар, аммо шунга ўхшаган, балки ундан ҳам бошқачароқ ҳислар даштликларнинг худди шу бўз ёки қалами йўргагида тугилиб, тилларидан ташқари чиқмасдан пинхона, эгалари билан сурп кафанга ўралиб мангу кетишарди.

Айтганимиздек, Пардахолнинг ранги қув оқарди, у бунақа бўлишини ҳали ўйлаб ҳам кўрмаган эди. Ахир қайси йигирма саккиз яшар жувон эрини шундай бўлади, деб ўйларди дейсиз. Аммо шундай бўлди. Холмуродбой бошқа ҳеч нарса дея олмади. Кўп ўтмай тилдан қолди. Бир нималарни гапиришга чоғланди, аммо... чоғи келмади. Бош тарафда ётган қамчинга чўзилди, ётган жойидан девор юзига аста нуқиди, чизган бўлди, кейин ҳовлига имо қилди. Кейин, кейин хотиржам тортиб кўзини юмди, оёқ-қўлларини узатди. Қишлоқнинг бир-икки қарияси кириб бош томонида калима қайтариб ўтиришди. Бир маҳаллари яна кўзини очди, Пардахолга бир зум қараб туриб яна киприклари туташди, шу кўйи бошқа очилмади. Тонг саҳар узилди.

Холмуродбой ўттиз беш ёшида бу оламдан шу кўйи ўтиб кетди. Ҳамма йиғлади. Баданининг ўнг томони қорайиб кетибди, деди ювгани кирганлар, кўзикибди, кўз тегибди, қандайгина жигитиди-я, дейишди. Ерга қарашди, кўзларидан ёш томчилади. Бўйлари шифтдай, ўзи қоп-қора бўлса ҳам юзидан нур балқирди. Ўзиникини ўрол қилган, жотган жонбошидан турмайдиган бир сўзлик, ўктам овоз жигит эди. Аттанг шундай одам, деб йиғлашди. Отининг ҳам мазаси йўқ, кечадан бери на сув ичади, на охурга интилади. Отни Холмуродбойдек безаб мингич бу атрофда йўқдиров, дейишди. Асли шундай қилмаса бўларкан-да. Эгар, айил узангидан тортиб, қуйишқону, ўмилдириқ, юганга кумуш, мис безаклар, садаф нуқра мунчоқлар нима керак эди, мундайроқ бўлиб юрганида балким кўзикмас эдими, дейишди куйганларидан. Э асли куни қисқа бўлиб турган бўлса, бандасининг қўлидан нима келар эди, ҳар нарсани гап қилаверасанми, деди яна бири. Холмуродбой ўзи шундайчиқин одам эди, юриши ҳам, туриши ҳам, гапириши, кийиши ҳам бошқаларга ўхшамасди. Шуйтиб турмаса, туролмас, шуйтиб юрикка юра олмас эди бу одам, деди яна бири. Оти ҳам йиқилганмиш дейишди, ўнг томони қоп-қорайиб кетганмиш, ҳа шу кўз теккани рост чиқдиёв, эмасам мундай чиқин бўлмасди, дейишди. Биров ошкора йиғлади, биров ерга қараб билдирмай йиғлади. Аммо Пардахол йиғламади. Тобутни тайёрлашиб, мурдани сувга олганларида эрининг ўйда осиғлиқ турган чопонини кийиб, белини боғлаб, сочларини бошига чамбарак қилганча, Холмуродбойнинг қундуз телпагини бошига қўндирди. Кейин оёғига эрининг сахтиён этигини тортиб олди. Ҳамма ҳайрон. Қўлларига ёпишган аёлларнинг дод-войига қарамасдан оломон ортидан қабристон этагигача борди, аммо ичкарига кирмади. Буёғига кирма, деди мулла Қобил, аёл бошинг билан мозористонга кирма, келин, гуноҳ бўлади...

Яхшига ҳам, ёмонга ҳам уч кун аза, деди бир куни Абдурасулбой. Энди келин, сен буйтиб журма, устингдаги кўкни муддати кетди. Минг қилганимиздаям Холмуродбой иним қайтиб келмайди. Жил ошини берайлик.

Абдурасулбой қисиқ кўзлик, полвон келбатлик йигит бўлиб, Холмуродбойга амакиваччa эди. Абдурасулнинг отаси Эшматбой, Мулкомонбойнинг тўртинчи ўғли Асадбойнинг кенжаси эди.

Майли, деди шунда Пардахол, маъракасини ўтказсак, ўтказа қолайлик. Ўзи эса катта ҳовлининг ҳамма ташвишини бўйнига олиб бўлган. Ҳам Холмуродбойнинг хўжалик ишларини, ҳам рўзғор ишларини юргизар. Шу ҳовлида ҳам бека, ҳам бек, болаларига ҳам она, ҳам ота эди. Йил маъракаси ўтгач, ундан-бундан гап соладиганлар ҳам топилиб қолди. Бу ишингни кўй, ҳали ёшсан, ўн гулингдан бири очилибдими, ўзинг бир ўйлаб кўр, дегувчиларга, шу одамдан зиёдароғи бўлса майли эди. Ундан ортиғи йўқ-да. Мени тинч қўйинглар, деди. Оқтепасойнинг мана мен деган йигити ҳам Пардахолнинг телпаги, чопон, белбоғ, этигидан ўтолмади-я, деган гап қолди.

Холмуродбойнинг маъракалари ҳам ўтиб кетди, аммо йили ўтса ҳам охирги куни қамчи дастаси билан чизиб қўйган эгри, юмалоқ чизиқ ўчмай тураверди. Бу орада Пардахол Чорлоқсойга серқатнов бўлиб қолди. Онаси Момош кампирнинг тоби йўқ, аслида бу фақирнинг ўғли ҳам йўқ. Тўрт фарзанд туққан бўлса, ҳаммагинаси сатта қиз. Бири шу Чорлоқсойга, бири Кўрлисойга, бири Баҳринга келин бўлиб тушган. Энг кичиги Пардахол эди. Баҳрин, майли, анча йўл. Опаси аёл боши билан кепкетиши қийин. Мана бу икковига не бўлган, денг. Мунчагина бемеҳр бўлмаса, шундай ёнма-ён туриб онадан бир хабар олмаса-я. Жуда ийиб кетса келади-ю кетади. Қийин бўлгандан Пардахолга қийин бўлди. Бевачилик, уйнинг ишлари ҳам етмагандек, кунда Чорлоққа қатнайди. Онасига бирон егулик қилиб боради, ё шу ёқда тайёрлаб оғзига тутади-да, яна изига қайтади. Ишқилиб шу йўрға биянинг жонига тўзим берсин, шомми, қоронғу хуфтонми, ишқилиб уйга етказиб келади-ку. Пардахол ҳаммасига чидади. Опаларига бир оғиз бир нима демади. Ўлсин, деди хизмат қилсам ўзимнинг энамга хизмат қилаяпман-да, у шўрликнинг биздан бошқа кими бор. Аммо анови учала опа ҳам бор-ку, демади. Майли, деди, келмаса ҳам гўрга, ўз кунларига омон бўлсин, деб юрганда Момош кампирнинг бир қилиғи ҳамманикидан ошиб тушди.

Ўша куни ҳам асрга яқин Пардахол сочини бошига чамбар уриб боғлади. Эрининг қундуз телпак, чопонини кийиб, оёғига сал каттароқ бўлса ҳам этигини тортиб олди. Белбоғни сириб боғлади. Трама охирлаб қолган, кун қисқа, боғ-у далада ишнинг кўзиган пайти. Қора совуқ нафасни қайтаради. Бир ҳовуч буғдойни апил-тапил қозонда қовуриб, қовурмоч қилди-да, пўстакнинг устига сочиб ташлади. Фармонқул билан Тўрақулга ана қовурмоч, тур, кўзингни оч, деб ҳазиллашди. Икки ака-ука пўстак юнги орасидаги донларни қидириб қолаверди. Мен келгунимча уйдан чиқмай ўтиринглар. Фармонқул, эҳтиёт бўл, укангнинг оғзига қил илашиб кирмасин, дарров келаман, деб ўзи изғиринда бия миниб йўлга тушди. Жонивор бия, ош дам егулик вақтга қолмай манзилга етказди. Пардахол совуқдан дийдираб онаси ётган уйга кирди. Қоп-қоронғу. Эна, деди. Ҳа, деди кампир. Қуралаймисан? Чорлоққа тушган опасининг оти Қуралай эди. Пардахол индамади. Токчадаги қора чироқни ёқди. Ичидан зил кетди. Шунча йўлдан келиб кунда хабар олиб кетсангу, сени ёдламасдан, шундай ҳамсоя қишлоқда туриб бир хабар олмайдиган опангни эслашини қара, деди томнинг туйнугидан тушиб келган шайтон. Ё Муҳаммад, ё Муҳаммад, ё Муҳаммад, деганда шайтон чекинди. Пардахол аста онаси ётган ёстиққа энгашди, ҳа эна, нима дейсиз, мен келдим, ловия солинган кесган ош келтирдим, ичасизми, деди. Кампири қурғур яна, Қуралаймисан, олдингда ҳеч ким йўқми, деди. Пардахол кулди. Аммо сергакланди. Ҳа, Қуралайман, эна, деди унинг қулоғига. Қуралай, туянинг охурини ковласанг, кўзада бир нима бор, шуни оларсан, ҳеч кимга айтма, деб яна кўзини юмиб олди.

Пардахол пўстакда ўтирганича ўзи айтганидек, ўн жеридан ўмирилиб онасига тикилиб қолди. Эшикдан яна шайтон мўралади. Онанг сени эмас, опангларни яхши кўради. Майли, деди Пардахол, яна ё Муҳаммад, деб шайтонни қувди. Онасининг бошини кўтариб, ёғоч қошиқда кесган ош тутди. Кампир ичмайман деб беҳол бош чайқади. Пиш-пиш ухлаб қолди. Энди бўлмади, эртага опамларнинг олдидан бир ўтаман-да, арава опкелиб энамни уйга олиб кетаман. Бу туриш, нима туриш, юрганим йўлда абгор, бари кетади бекор, деган экан биттаси. Шунда шайтон яна хаёлини ўгирлади. Туянинг охурини қара, Пардахол, қизиқсан-да. Пардахолнинг хаёли бўлинди, феъли гарлон бўлди. Нима экан ўзи у, дея қизиқди. Не бўлса ҳам мен олдим не, опам олди не, энамга барибир эмасми? Дахлизга чиқди. Қора чироқ тутиб, тешани топди. Ҳовли сари ўтди. Одатда бир чеккада туя турар эди. Сомон сувоқли тош билан гувала териб қилинган чуқур охур. Энгашиб нишхурд бўлиб қолган пичан қолдиқларини олиб ташлади, қўлига ёнғоқ тикани қадалди. Эътибор бермасдан теша билан аста-аста ковлади. Сувоқ кўчиб, юмшоқ тупроқ аралаш кўм чиқа бошлади. Зум ўтмасдан тешанинг тиғи қирт этиб бир нарсага тегди. Яна бирпасдан сўнг чоғроқ хумча Пардахолнинг қўлида эди. Кўзанинг жойини кўмиб уйга кирди. Кампир ҳамон ухлаб ётарди. Пардахол хумчани хуржунга солиб, биянинг бошини Тулабостига томон бурди. Кун совуқ, аммо на Пардахол, на бия совуқни сезади. Охирги қирга ўрлаб, Оқтепасой этагида чироқлар милтираб кўриниб қолганди. Йўл қирни кесиб ўтган.

**(Давоми бор.)**

Ривоят ва ҳақиқат

# ХАКИМ ОТА, ЗАНГИ ОТА ВА АНБАРБИБИ

***Она юртимизда, унинг ҳар бир ҳудудида, тоғ-у чўлларида, водийларида «тарихга гувоҳ» ёки ўтмишимиздаги азиз-авлиё-ю фозилу уламолар ҳақида хабар берувчи қадамжолар жуда кўп. Улар ҳақида бобокалонларимиздан ёзма ва янада кўпроқ оғзаки ривоятлар, маталлар, латифалар, достонлар мавжудки, буларнинг бир қисми оғиздан-оғизга кўчиб, асрлар оша бизгача етиб келган. Баъзан эса воқеаларни баён этишда давр, яъни вақтга эътибор бермай, чалкашликларга ҳам йўл қўйилганки, шундай ҳолатни Зангиота тарихига оид саналарда ҳам кўриш мумкин. Сўнгги сўзни, албатта, олимларимиз айтишади, биз эса ўзимиз эшитган ривоятлардан баъзи бирларини сиз азизларга ҳавола этмоқчимиз.***

Биринчи ривоят

## АНБАРБИБИ ВА ЧЎЙОҒОЧ ҒОРИ

*(Ривоятни оққўрғонлик дўстимиз Баҳодир Розиқдан эшитган эдик.)*

...Савдо карвонлари дунё бўйлаб кезиб юрган вақтларда, Фарғона водийсидан Хоразмга ҳам муттасил қатнов бўлган. Ўша даврларда сўзоқлик бой, авлиёсифат Қора Буқа исмли бир киши хоразмликлар билан борди-келди қиларди. Шу боис қабилалардан ажралиб кетмайлик, деган сабаб биланми (аввалари шунақа одат бўлган) ёки у кишининг ўзлариям тома уруғидан бўлганми, катта қизи Анбарбибини Сулаймон Боқирғонийга турмушга беради.



Авлиё Сулаймон Боқирғоний вафот этгач, завжалари Анбарбиби Зангиотага (Боқирғоний васиятига биноан) турмушга чиқади.

Зангиота Хоразмдан Тошкентга келаётиб Нуротада тўхтаб, Анбарбибига молларини боқадиган яйловларни кўрсатиб: «Энди иккаламизнинг асосий умримиз шу ерларда ўтади, сиз ҳам бу жойларни бир кўриб қўйинг» деб, Бахлтоғ бағридаги Кўк кўл ҳовузли сой бўйига олиб келар эканлар. Бу сойда яшовчилар тома уруғидан бўлиб, Анбарбибини орқаворотдан билишаркан. Чунки ўша кезларда нуроталик қабиладошлар орасида улар билан борди-келди бўлиб турган, Анбарбибининг Зангиотага турмушга чиққанини ҳам эшитишган экан. Шу туфайли тома аёллари Анбарбибини хурсандчилик билан қарши олишибди.

Зангиота эса, чўпонлар ва моллари аҳволидан хабар олиш учун Кўк кўл ҳовузли сой тепасидаги ғорга бориб, шу ерда тунаб қолибди. Буни эшитган Анбарбиби қабиладош хотинларга «Пирим ғорда ётсалар, менинг бу ерда қолишим одобдан эмас, мени ҳам шу ғорга олиб боринглар» деб сўрабдилар. Кўк кўл ғорига ҳеч ким чиқа олмас экан, шунинг учун уни Чўйоғоч ғорига олиб боришлари мумкинлигини айтишгач, Анбарбиби Зангиотага одам юбориб томаликлар таклифини етказибди. Зангиотага ҳам бу таклиф маъқул бўлибди. Чунки бу сойдаги ғор билан Кўк кўл ғори бирбири билан туташ ва ғор ички йўли билан борса бўлар экан, қолаверса, Чўйоғоч сойда ҳар доим сув бўлиб, яйлови ҳам Зангиотага маъқул экан. Шундай қилиб, томалик қабиладошлар Анбарбибини Чўйоғоч ғорига олиб келиб жойлаштиришибди. Зангиота эса ғордан тепароқдаги ялангликдан қудуқ қазиб, томалик аёллар ёрдамида тандир, ўчоқ ва ҳоказо керакли анжомларни тузаб берибди. Анбарбиби ва Зангиота аёл ҳамда эркаклардан сигир соғувчи, қўй- эчкисига қаровчи ва бошқа турли ишларига ёрдам берувчиларни ишга олибди. Шу таҳлит ҳар йили баҳордан то кеч кузгача шу ерда яшаб, қишни эса Тошкентдаги уйларида ўтказишни одат қилишибди.

Зангиота Кўк кўл ғоридан Чўйоғоч ғорига ғор ички йўлидан келиб-кетиб турар эканлар. Шундай қилиб Кўк кўл ҳовузли сой «Зангиота сойи», деб, Кўк кўл ғори эса «Зангиота ғори» деб, Чўйоғоч сойи «Анбар она» сойи деб аталибди...

Иккинчи ривоят

## НУР ВОДИЙСИДА

Бу ривоят Нур водийсидаги, бевосита Зангиота ва Анбар оналар яшаган, мол боқишган даврда шу ҳудудда яшаган ҳамда ҳозир ҳам яшаб келаётган ўзбекларнинг тома қабиласи одамлари ва ён-атрофдаги бошқа элатлар орасида мавжуд.

Зангиота бакувват, баланд бўйли, полвонсифат одам бўлганлар. Оталари ўғлидаги ҳислатларни сезгач, уни «Машойиҳлар улуғи», «Икки жаҳон кўзгуси» деб тан олинган Аҳмад Яссавийнинг шогирди хоразмлик аллома Сулаймон Боқирғоний (Ҳаким ота)га шогирдликка берган. Зангиота устозидан чуқур билимлар олиб, авлиёлик даражасига кўтарилган эканлар.

Ўша вақтларда Тошкентдан Хоразмга қатновчи карвонлар Нуротa орқали ўтган. Шу карвонда бўлган Зангиота ҳам Нуротада тўхтаб, азиз авлиёларни зиёрат қилиб, Нур булоқ сувларидан ичиб, йўл учун мешларини тўлдириб олган.

Табиийки, бу ернинг чорва боқишга қулай жойлигини ёшлигидан англаб, Нур водийсининг яйловларида устози Ҳаким отанинг ва ўз молларини боқишни маъқул кўриб, Нуротанинг шарқ томонидаги виқорли Бахл тоғидаги Кўк кўл ҳовузли сойни танлабди.

Зангиота Хоразмдан Анбар онани олиб қайтаётиб, ҳар доимгидек Нуротада тўхтаб, зиёрат этишгач, Анбар онага чорва молларини боқадиган яйлови — Кўк кўл ҳовузли сойни, ўз ғорини кўрсатиб, шу ғор орқали тўрт-беш чақирим шарқдаги Чўйоғоч сойга олиб боради. Улар ички йўл билан ғордан чиқиб сойнинг тепасидаги ялангликка, Зангиота аввалдан тайёрлаб қўйган маконда қолишади. Макон, жой, виқорли Бахл тоғи Анбар онага маъқул бўлади. Теварак-атрофдаги қишлоқлардан томалик аёллар «макон муборак»ка келишиб, Анбар она хизматида бўлишади.

Зангиота билан Анбар она эрта баҳордан то кеч кузгача шу ерларда қўним топишар, қишда эса Тошкент атрофидаги уйларига кетишгач, молларига тома қабиласи чўпонлари қараб туришар экан.



Учинчи ривоят

## ТОШГА АЙЛАНГАН ТАНДИР

«Зангиота» аталмиш сой ҳақиқатдан ҳам Нуротадан шарқ томонга қараб ўн саккиз-йигирма чақирим нарида жойлашган бўлиб, ўнг томондаги баҳайбат Бахл тоғ тизмасида, ягона суви қуримай оқиб турадиган макондир. Аммо суви тоғ этагидаги ялангликка оқиб чиқмасдан ер остига сингиб кетади. Бахл тоғдан бошланган, узунлиги 4-5 км чиқадиган бу сойнинг ичи атрофдагиларга нисбатан анча кенг бўлиб, унинг этагида эски уйлар, ертўлалар, қўтонлар ўрни бор. Шу жойдан бирор чақирим ёки кўпроқ масофада шу атрофда қўй-эчки, мол боқувчи чўпонлар қурган чайла кўринишдаги уйча бўлиб, унда қўй-эчки, мол боқувчи чўпонлар, овчилар, зиёратчилар тўхташади, дам олишади, ётишади. Бу жойдан яна икки чақирим юқори кўтарилсангиз, қудуққа дуч келасиз. Шу қудуқдан ўнг томондаги тепаликка яхши сақланмаган эски зиналар орқали ёки ёнидаги янги тушган йўлчадан кўтарилсангиз, атрофига тош қаланиб, ердан ярим метрлар чамаси кўтарилган тош уюмларидан барпо этилган, тепага ва унинг ўртасига кўтарилган туғ бор.

Кўпинча чўпонлар ўз «Пирлари» деб ҳисоблайдиган Зангиотани зиёрат қилишади, мадад сўрашади. Бу ерга атайлаб келувчилар эса «қон чиқариш» қилиб туришади. Овчилар ҳам дастлабки овлари — кийик, олқор, қуён, каклик, қора бовур ва ҳоказони ҳам айнан шу жойда, Зангиота руҳига бағишлашиб сўйишади.

Ушбу макондан яна тўрт чақиримлар баландга кўтарилсангиз, тоғ тагидаги Кўк кўлга етасиз. Унинг суви кўм-кўк, тиниқ, аммо жуда совуқ, муздек. Кўлга ўтишнинг ўзи ҳам анча қийин, кўллардан қорлик бошланади. Бу қорлар йиллар давомида эримай ётиб «гуллайди» дейишади, бу қанчалик рост, билмадиг-у, аммо бу ерда қорлар «қуртлайди» деса, ишонаверинг.

Бу ерга йил давомида қуёш нури тушмагани боис, қирғоқлари доимий муз ҳолатда. Бундай музликларни фан тилида «морена» деб аташади. Бу музлик устига шамол олиб келган тупроқлардан озиқланиб, ҳар хил ўтлар ўсиб ётади. Бу сойнинг яна бир ажойиботини ҳам айтмасак бўлмас, бу ҳақда республикамиз матбуотида, менимча «Фан ва турмуш» журналида ўтган асрнинг олтмишинчи йиллар бошларида бир кичик хабарча чоп этилган эди. Дарҳақиқат, хабарда ёзилганидек бу ерларда илонлар кўп. Уларни сой ичида ва қирда учратиш мумкин. Лекин ушбу илонларнинг ҳеч бир жонзотга, айниқса, одамга зарари тегмаган. Ўтган асрнинг эллигинчи йилларида камина қишлоғимизнинг кексаларидан, умрини айнан шу «Зангиота» сойи атрофида қўй боқиб ўтказган раҳматлик Шариф бобо, Ёлғош бобо, Худойқул боболардан сўраганимда, ҳар уччаласидан ҳам бир хил жавоб, яъни «Бу илонлар эгалик илонлар, буларнинг ўрдаси бор, ўрдасида эса подшоси бор, улар подшоси рухсатисиз ҳеч қаёққа кетмайди, ҳаммаси мана шу қирда», деб «Зангиота»га ишора қилиб, «бу ердан бошқа ерда илон кўрмайсан, агар у ер-бу ерда учратсанг ҳам, билки, улар қочқинчи илонлардир. «Зангиота» сойининг ичидаги дарахтларга чирмашиб ётишади, кечаси билан қуш-дек «сайрайди», лекин ўрдасига ҳеч ким бормаган».

Дарҳақиқат, шундай. Бундан икки-уч йил аввал жиянним Бобуржон билан дадаси Бердибой Боборажабовлар ният қилиб бир кеча ётганларида туни билан илонлар «қўшиғи»дан, яъни уларнинг чуриллашидан ухлолмай чиққанини айтиб беришган эди.

«Зангиота» ғори ҳақида ҳам гаплар бор. Аммо ҳеч ким чиқолмаганидан ми, «Зангиотадан бошқа одам у ерда бўлмаган» дейишади. Балким бу бахт альпинистларга ёки ғоршуносларга бир кун насиб этар...

«Анбар она» сойи Бахл тоғ билан Тутак тоғлари ўртасида. Тўғрироғи, шу сой уларни иккига бўлиб, бир-биридан ажратиб туради. Бу сой «Зангиота» сойидан тўрт чақирим нарида, шарқ томонда бўлиб, сой бўйлаб ғорга 100 метрлар қолгунча енгил машиналарда ҳам бемалол борса бўлади.

Бахл тоғ Нурота тизма тоғининг баланд ва тикка, одам чиқиши қийин бўлган тоғи бўлиб, «Анбар она» сойидан Нурота томонга 8-10 кмларга чўзилиб, Тошқудуқ сойигача ёки Қўчот қишлоғининг тепасигача боради.

«Анбар она» сойи «Зангиота» сойига нисбатан анча баландда жойлашган. Эҳтимолки, бу ерда шиддатли селлар сой қирғоқларини ювиб, тошлар, тупроқлар сой оғзида уйилишиб қолаверганлигидан шундай манзара ҳосил қилгандир.

«Анбар она» сойининг бошланиш жойида унча катта бўлмаган ялангликка бўлиб, унинг ўнг қирғоғида «Анбар она» қудуғи бор. Бу қудуқнинг суви онда-сонда камаймаса, доимо бир ҳолатда туради. Ёмғир, қорлар сероб бўлган йиллар қудуқдан сув тошиб чиқиб, чўпон қўтонларигача оқиб тушади. «Анбар она» қудуғидан 35-40 метрлар чамаси паст, яъни шимол томонда биз таъриф берган Бахл тоғ қоялари бошланиб, шу қоя билан қудуқ ўртасида «Анбар она» тандири бўларди.

Ўтган асрнинг эллигинчи йиллари охирларида, бутун синфимизни «экскурсия» номи билан уюштирилган зиёратга ўқитувчиларимиз олиб чиқишган эди. Шунда юқорида тилга олинган «Анбар она» тандирини кўриб, аввалдан ҳам кўп эшитганимиз учундир зўр ҳаяжон билан томоша қилганмиз. Бу тандир қудуқ билан қоя ўртасида бўлиб, қудуққа нисбатан қояга яқин эди. Бугунгидек ёдимда, қудуқ ер юзидан 60-65 смлар баланд бўлиб оғзининг катталиги 30-35 смлар атрофида, тандирнинг ички остки айланаси 40-45 смлар эди, энг қизиғи, тандирнинг ичига ўтин шохчалар чиройли қилиб терилган бўлиб, устига қўй ёки эчкининг тезаги уйилиб турар эди, гўё ҳозир тандирга ўт ёқиладигандай ҳолатда, тандир ҳам, ўтин ҳам тошга айланиб қолган эди.

Она-момоларимиз, боболаримиздан эшитар эдикки, гўё Анбар она тандирига ўтин қалаб, нима учундир ғорига кириб кетганича қайтиб келмаган-у, тандир ёқилмай қолган.

1999-2000 йилларда ҳам Оққула қишлоғи йигитлари Фармон Санақулов, Омонқул Ўринов, Темирбой Эшонқулов, Ҳолмирза Мамараҳимовлар ва ғорга кирган бошқа ўртоқлар ҳам айнан шу гапларни айтиб, «туйнукдан ўтиш мумкин», аммо нарёғига ёриттичлар ва ҳоказо махсус анжомлар керак, дейишган эди.

Бир гуруҳ синфдошлар 2002 йилда «Анбар она» сойига борган эдик, шунда мен ўша тандирни топа олмадим. Тандир турган ерда майда тош ва тупроқ қатламларинигина кўрдим холос. Атрофни роса айландим, тандирдан пастроқдаги қоя тагидаги камарларни синчиклаб қараб чиқдим. Мен энди оддий томошабин сифатида эмас, бир геолог сифатида изланган эдим. Камарлар-у, тоғ ёриқларидаги ялтироқ тошларни беаёв синдириб олиб, олиб кетишаётганликларининг изларини кўриб, жуда ҳам ачиниб кетдим. Сурат шаклидаги ёзувлар, авлодларимиздан қолган ёдгорликлар, тарихимизга гувоҳ, ҳали ўзимиз ҳам ўқий олмаган ашёларни «бир ҳавас» йўлида йўқ қилиниши ўта ачинарли ҳолатдир. Бу тарихий ёдгорликлар бизгача неча минг йиллар оша етиб келган-ку ахир!

Демакки, тарбия борасида ҳамон кемтиклик мавжуд. Шунинг учун мактабларда табиат фанига бўлган муносабатни янада кучайтириш, ўқитувчиларни танлашга ҳам жиддий эътибор қаратиш лозим. Сир эмас, чет элликлар бу борада анча олдинда, улар махсус кўрсатувларни жуда жиддий, мазмунли тайёрлашади. Тўғри, бизда ҳам икки-уч бу соҳага бағишланган кўрсатув бўлди. Ўйлаймизки, бу ҳали дебочаси. Бу борада ҳам ишларимиз юришиб кетишига жуда-жуда ишонгим келади.

**Ж. ЙЎЛДОШЕВ,**
**Ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати касаба уюшмаси Самарқанд вилояти кенгаши раиси**

(Боши 1-бетда)

## САРҲИСОБ

### қониқиш ҳосил қилса бўладими?

Аслида жавобини юқорида зикр этган бўлсак-да, баъзи жиҳатларга эътибор қилмай иложимиз йўқ.

Чемпионат тугар-тугамас қулоққа ҳар хил гаплар чалина бошлади. Нима дейсан, кейинги йилдан олий табақа жамоалари сони 14 тага туширилар эмиш. Ҳайриятки, футболимиз мутасаддилар миш-мишлар асоссиз эканлигини билдириб, бу масала кўрилган тақдирда ҳам бироз кейинга қолдирилишини шаъма қилиб ўтишди.

Беихтиёр шубҳа туғилади: демак, барибир шундай ҳол юз бераркан-да? Тўғриси, ушбу масала бизнинг газетамизда ҳам бир неча бор кўтарилган бўлиб, чемпионат савияси ортиши учун зарур бўлса, ана шундай туб ўзгаришлар қилишдан ҳам чўчимасликка даъват этилганди. Яна ўша гап. Хўш, бу қачон юз беради ва биз яқин келгусида чемпионатимизни қандай қиёфада кўрамиз?

Албатта, қисқартиш қилиш осон. Лекин ўсиш бўлмаса-чи, ўзгариш кўзга ташланмаса-чи? Унда нима қиламиз? Яна орқага қайтамизми? Бу қачонгача давом этиши мумкин?..

Бошқа йўл йўқми?

Эътироф этишимиз керак, бу йилги чемпионат ҳаммасидан ўтиб тушди. «Пахтакор» 30 ўйиндан 77 очко тўплаб, чемпион бўлди. Иккинчи ўрин соҳиби бўлмиш «Нефтчи» 71 очко, бронза медали соҳиби «Насаф» 70 очко жамғарди. Олий табақани тарк этиш «миссия»си «Сўғдиёна» ва «Хоразм» чекига тушди. Гўё ҳаммаси жойида, худди шундай бўлиши керакдек. Аслида-чи?

Бу йилги чемпионатда кўнгилга хира солувчи бир ҳолат юзага келди. У — «Хоразм» жамоаси билан боғлиқ муаммо. Ҳа, ҳар бир биринчиликнинг очиқдан-очиқ кучли ва очиқдан-очиқ кучсиз клублари бўлади. Биз буни кўп кўрганмиз, эшитганмиз, фикримизни ҳам билдирганмиз. Аммо бунақаси илк бор юз бериши! «Хоразм» жамоаси 30 ўйинда атиги 3 та очко жамғарди. Бошқача айтганда, фақат уч ўйинда дурангга эришилди. Қолган 27 учрашувда клуб аъзолари майдондан бош эгиб чиқиб кетишди. Билмадик, агар сўраб-суриштирувчилар бўлса, юзага келган ҳолатни «Гиннес китоби»га киритиш мумкин бўлармиди!..

Айнан ушбу кўрсаткич олий табақа жамоаларини қисқартириш тўғрисидаги миш-мишларга сабаб бўлган бўлса, ажаб эмас. Тан олиш керак, «Сўғдиёна» охиригача курашди. «Шўртан», «Самарқанд-Д» ва «Металлург» жамоалари ҳам ўз ўринларини сақлаб қолиш учун астойдил ўйнашди. Афсуски, маҳорат ва тажриба барча футболчиларда бўлмагани каби 16 та жамоа кучи ҳам бир хилда эмас. Бунақаси бўлмайди ҳам. Ҳатто Англия, Испания, Италия каби мамлакатлар чемпионатида ҳам табақаланишлар бор: кучли, ўрта ҳол, кучсиз. Фақат фарқи шуки, умумий савия юқорироқ.

Бизнинг мақсадимиз ҳам шу. Токи Испания примеросида охирги ўринда бораётган клубнинг ўз уйидаги ўйинларида бўлгани каби бизда ҳам стадионга камида 20-30 минг мухлис ташриф буюрсин.

Хуллас, футболимиз мутасаддилари олдида жуда катта вазифалар турибди. Улар қай йўсинда амалга оширилади — олий табақа жамоаларини қисқартириш ёки кўпайтиришми, биринчи лигага эътиборни кучайтиришми ёки болалар ва ўсмирлар футболини ривожлантириш орқалими, нима бўлганда ҳам мухлисларни авваламбор яшил майдонда намойиш этилаётган ўйин ва албатта, кўнгилларга сурур бағишлайдиган ижобий натижа қизиқтиради. Бунга қанча тез эришилса, шунча яхши.

**Зайниддин РИХСИЕВ**

# СОНМИ ЁКИ СИФАТ?

## Иккиси ҳам керак, чунки улар бир-бирини тақозо этади

# "БОЛАЛАРИМИЗДАН КЎНГЛИМИЗ ТЎҚ"

***Амударё туманидаги 5-сонли "Гулшан" мактабгача таълим муассасасида "Меҳржон байрами" нишонланди. Унда болажонлар турли қўшиқлар, шеърлар айтиб, рақсга тушишди, саҳналаштирилган кўринишлар намойиш қилишди.***

Боғча жамоаси ҳар бир байрамни шу тахлит қизиқарли ва сермазмун ўтказишга ҳаракат қилишади. "Соғломжон-полвонжон", "Ватанимни севаман", "Она тилим — жону дилим", "Светофорнинг уч ранги", "Раҳмат сизга, ҳомийлар" мавзуларидаги кеча ва учрашувлар ҳам болажонлар дунёқарашини бойитишга муносиб хизмат қилди, дейиш мумкин.

Бу ерда 110 нафар бола тарбияланади. Тарбиячилар уларнинг қалбига йўл топишга, жажжи кўнгилларидаги кечинмаларни уқишга ҳаракат қилишади. Боғчадаги тўрт гуруҳни нутқи заиф болалар ташкил қилиши жамоа зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Тарбиячи ва устозлар бундай болалар билан турли машғулотлар олиб боришади.

Гулнора Жуматова ўттиз икки йиллик тажрибага эга тарбиячи. Мана, уч йилдирки, мудира сифатида боғчанинг намунали фаолият юритишига бошчилик қилиб келмоқда. Услубчи Аноргул Собирова янги педагогик технологиялар ёрдамида иш олиб бориши туфайли болалар меҳрини қозонган. Тарбиячилар Роза Қурбонниёзова, Саида Расулова, Гулнора Ортикова ҳар бир кун болаларга манзур бўлиб, улар ҳаётида муҳим из қолдиришини исташади. Бунга эришиш учун изланишдан чарчамайди. Устозлар Улбусин Ражабова, Қурбоной Эркинбоева сабоқлари болажонларда бир олам завқ уйғотади. Расм чизиш, тикиш, тил ўрганиш, спорт тўгаракларида ўз иқтидорларини кенгроқ намоён қилишга ҳаракат қиладилар. Боғчани безаш ва ўйинчоқлар сонини кўпайтиришда ушбу тўгаракларнинг ҳиссаси катта.

— Болажонларимиздан кўнглимиз тўқ, — дейишади ота-оналар.

— Улар бу ерда бўлганларида хотиржам иш фаолиятимиз билан шуғулланамиз.

**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,**
**"Ишонч" мухбири**

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши жамоаси Марказий Кенгашнинг бош мутахассиси

**Виктор Михайлович НИЧКАСОВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ва Марказий кенгашнинг Жиззах вилояти бўйича Вакиллиги жамоалари Жиззах вилояти Дўстлик тумани марказий шифохонаси касаба уюшма қўмитаси раиси

**Бобохон РАВШАНОВ**нинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент вилояти Чиноз туманидаги «МГМ» фермер хўжалигининг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

В соответствии с Постановлением Центра по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг за № 1127-1 от 18.04.05г.

Кандилёту Елена Анатольевна раскрывает информацию о намерении приобрести 138 штук акций простых именных ОАО «O'ZTAMINBUTLASH», что составляет 19,17% от уставного фонда.

Адрес эмитента: г. Ташкент, Юнус-Абадский район, ул. Амира Темура, 25.

В соответствии с Постановлением Центра по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг за № 1127-1 от 18. 04.05г.

Яблуновская Галина Николаевна раскрывает информацию о намерении приобрести 98 штук акций простых именных ОАО «O'ZTAMINBUTLASH», что составляет 13,61% от уставного фонда. Общее кол-во акций, принадлежащих Яблуновской Галине Николаевне, после приобретения, составит 34,2%.

Адрес эмитента: г. Ташкент, Юнус-Абадский район, ул. Амира Темура, 25.

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. O'K.U.F. F.T.U.U. ОЛИЙ БАХТ

БОШ МУҲАРРИР
Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати:
Алла Долженкова,
Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари),
Маъмура Адилова,
Мирзоҳид Содиқов,
Носирхон Акбаров,
Ойсулув Нафасова,
Пиримқул Қодиров,
Соғиндиқ Ниетуллаев,
Шавкат Абдуллаев,
Шамси Эсонбоев,
Элёр Ёқубов,
Ғуломзокир Юсупов

Бизга қўнғироқ қилинг:
Котибият
153-52-78
Бўлимлар
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими: 153-87-63
Ижтимоий-иқтисодий сиёсат бўлими: 153-87-74
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими: 153-87-73
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт бўлими: 153-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш бўлими: 153-85-43
Реклама ва эълонлар бўлими: 153-03-90

БИЗНИНГ МАНЗИЛ:
700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134
E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади.

Навбатчи котиб - А.Алламуродов
Навбатчи муҳаррир - Ғ.Юсупов
Навбатчи - Т.Шернаев
Мусаҳҳиҳ - А.Ёрбеков

Саҳифаловчи-дизайнер: З.Бакиров, Ю.Михайловский

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди - 21.00

Буюртма Г— 1315
Тиражи: 7553